

МАДАМИН ЭШМУРОДОВ

**ШУКРОНАГА
ЙЎҒРИЛГАН УМР**



Хоразм -2024

УЎК 81 (091) (046)

КБК 80/84

Э 99

Эшмуродов Мадамин. Шукронага йўғрилган умр.

М.Эшмуродов. Хоразм: Огаҳий нашриёти, 2024 йил. 132 б.

Қадрли китобхон!

Мазкур китоб филология фанлари номзоди, доцент, Урганч инновацион университети ректори Мадамин Эшмуродов таваллудининг 60 йиллигига бағишланади. Китобдан олимнинг дўсту ёрлари, устоз ва шогирдлари, хорижлик олимлар ҳамда ҳамкасбларининг дил сўзлари жой олган.

Аминмизки, ушбу битиклар Мадамин Эшмуродовнинг портретини яратишга хизмат қилади, шунингдек, фидойи олим, ташаббускор ва етук маҳоратли раҳбарнинг шукронага йўғрилган умри ҳақида ҳикоя қилади.

ISBN 978-9910-9883-4-9

© Мадамин Эшмуродов . “Шукронага йўғрилган умр”

© Огаҳий нашриёти, 2024 йил.

Хурматли Мадамин Жумабоевич!

Хоразм вилояти ҳокимлиги Сизни 60 йиллик юбилейингиз билан самимий қутлайди!

Сиз узоқ йиллар давомида бор билим ва салоҳиятингизни, ғайрат-шижоатингизни олий таълим соҳасининг ривожига, ёш авлод тарбияси ва камолотига бағишлаб келмоқдасиз.

Сизнинг заҳматкаш олим, жонкуяр устоз, юксак маънавиятли, моҳир ташкилотчи раҳбар сифатидаги фаолиятингиз таҳсинга лойиқдир.

Хусусан, “Авесто”нинг илк тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациянгиз, илмий тадқиқотларингиз асосида яратилган 10 та монография, 10 га яқин ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, 100 дан ортиқ илмий мақола ва тезисларнинг чоп этилгани, Сизнинг раҳбарлигингизда ҳимоя қилинган 50 га яқин магистрлик диссертациялари илм-фанимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди.

Сиз узоқ йиллар давомида Урганч давлат университетиди ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, декан лавозимларида ишлаб, халқ хўжалигига юзлаган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ишига ўз ҳиссангизни қўшдингиз. 2022 йили Урганч инновацион университетига асос солиб, вилоятимизда олий таълимга хусусий секторни жалб қилишда муваффақиятга эришдингиз. Бугунги кунда мазкур олий даргоҳда юртимиз ёшларига сифатли таълим-тарбия бериш борасида Сиз бошлиқ бутун университет жамоасининг самарали меҳнати эътирофга лойиқдир!

Қадрли Мадамин Жумабоевич!

Шундай қутлуғ кунда Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик ҳамда шахсий ва касбий фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман. Доимо халқимиз ардоғида ва шогирдлар эъзозидида юриш насиб қилсин.

Сизни бахт, омад ва илҳом ҳеч қачон тарк этмасин!

Хурмат билан,
Вилоят ҳокими



Ж.Р.Рахимов

2024 йил, 23 май

Урганч шаҳри



Ҳурматли Мадамин Жумабоевич!

Бугун Сиз учун ҳаётингиздаги унутилмас, ажойиб кундир - бугун Сиз таваллуд топган кун, муборақ 60 ёшни қарши олмақдасиз!

Ушбу шодиёна кунингизга шерик бўлиб турганлигимиздан беҳад мамнунмиз, дилимиз тубидаги энг яхши тилақларимиз эса Сиз учун.

Ҳазрати инсонни эъзозлайдиган, уни қадрлайдиган, унга баҳо берадиган ҳақам бу албатта унинг босиб ўтган йўли ва меҳнат фаолиятидир.

Сизнинг билим ва иқтидорингиз, ҳаётдаги қатта тажрибангиз ҳамда инсонларга бўлган Ғамхўрлигингиз алоҳида эътиборга сазовор.

Сиз ўз ҳаёт йўлингизда илм-фан ва илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, ёшларнинг малақали таълим олишлари, ўз иқтидорларини намойиш этишларини яхшилаш борасидаги фаолиятингиз таҳсинга лойиқ.

Қадри Мадамин Жумабоевич, бугунги шодиёна кунда Сизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, ишларингизда улқан муваффақиятлар тилаймиз, юзингиздан ҳеч қачон қўлғу аримасин, фарзандларингиз қамолини қўриб юриш, уларнинг энг яхши кунларида бош бўлиш бахти ҳеч қачон тарқатмасин.

Ҳурмат билан,

Вазир



Қ Шарипов

**УРГАНЧ ИННОВАЦИОН УНИВЕРСИТЕТИ
АСОСЧИСИ**

Ўзбекистон илм-фани ва олий таълим тизими ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим, мураббий, Урганч инновацион университети НТМ асосчиси, филология фанлари номзоди, доцент Мадамин Жумабоевич Эшмуродов 60 ёшини қаршилади.

М.Ж.Эшмуродов 1989 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) шарқшунослик факультетини битказди. Араб-форс тиллари буйича мутахассис. Ундан ташқари, тожик, урду, дари, пушту тилларида ҳам эркин гаплаша олади.

Мен Мадамин Жумабоевич билан қарийб 30 йил бўлди танишман, ака дўст сифатида узоқ йиллар бирга ишлашдик ва ҳозир ҳам ишлашяпмиз. У Урганч давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, декан ўринбосари, декан лавозимларида самарали фаолият олиб борди.



У филология фанлари доктори, академик Азиз Қаюмов, машҳур шарқшунос, халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Шоислом Шомуҳамедов, таниқли манбашунос, забардаст тарихчи олим, авестошунос, профессор Мирсодиқ Исҳоқов каби олимларнинг кўлида таҳсил олди.

2002 йилда профессор Мирсодиқ Исҳоқов раҳбарлигида “Авесто”да мифологик қатлам” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кейин ҳам у ўзининг илмий-тадқиқот ишларини давом қилдириб, "Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси" мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб борди. Ҳозирда мазкур ишни ҳимоя қилиш арафасида. Шу ўринда мен олимнинг ушбу хайрли ишларига улкан муваффақиятлар тилайман!

Мадамин Жумабоевич Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга ҳар доим жиддий эътибор қаратган. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари,

мазкур таълим соҳасида олиб бораётган оқилона ислохотлари, мамлакатда рақобатбардош хусусий таълим муассасаларини ташкил қилиш юзасидан берган таклифларидан сўнг 2022 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 241-сонли қарорига асосан Урганч инновацион университети НТМни ташкил қилди. У мазкур университетнинг асосчиси ҳамда ректори ҳисобланади. Шу билан биргаликда, университетда “Инновация ва тараққиёт” илмий-методик журналининг ташкилотчиси ва бош муҳаррири ҳамдир.

М.Эшмуродов 10 дан ортиқ монография, 6 та ўқув-услубий қўлланма, шунингдек, 100 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи (шулардан 20 таси чет элнинг нуфузли журналларида чоп қилинган) ҳисобланади.

Мадамин Жумабоевич оиласига ниҳоятда меҳрибон, ғамхўр ота ҳамдир. Икки нафар ўғил



фарзанди (Фаррух ва Бекзод, ҳар иккаласининг ҳам устози бўлганимдан фахрланаман), битта қиз, 10 га яқин невараларнинг отаси ва бобоси саналади.

Бугун ўзининг 60 ёшини қарши олаётган ака дўстимиз Мадамин Жумабоевичга узоқ умр, кенг давлат, тинчлик, омонлик, оилавий хотиржамлик, дастурхонига тўкин-сочинлик тилайман!

Истайманки, уларни бахт ва омад ҳеч қачон тарк этмасин!

*С.К.Салаев,
Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари,
Иқтисод фанлари доктори, профессор.*

МАЪНАВИЯТ, ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ТАРҒИБОТЧИСИ

Инсон дунёга келганидан кейин онасининг алласи орқали улғая бошлайди, кейинчалик унинг онги, тафаккури, ақли аста-секинлик билан ота-онаси, уни ўраб турган олам таъсирида камол топади. Ана шу даврларданоқ инсон ўзининг олдига эртанги тақдири, фаолияти юзасидан мақсад қўяди. Дейлик, эртага улғайсам, журналист ёки ички ишлар ходими, прокурор ёхуд қишлоқ хўжалиги ёки кўплаб соҳалардан бирини пухта эгаллайман, – дея орзу қилади. Мана шу орзунини шакллантириш учун у кўп ўқиши, етарлича билим ва тарбия олиши лозим бўлади.

Биз бугун фикр юритмоқчи бўлган инсон ана шу орзулар силсиласида улғайган, камол топган, отасидан эрта жудо бўлиб, оиласидаги барча қийинчиликлар, етар-етмасликларни енгиб ўтган, ака-укалари, опасингиллари, яқинлари ва дўстлари билан бир ёқадан бош чиқариб, сабрли, тоқатли шахс журналист, манбашунос, тилшунос, тарихшунос олим филология



фанлари номзоди, доцент Мадамин Жумабоевич Эшмуродовдир.

У ўзининг иш фаолиятини Урганч давлат университетига ўқитувчи лавозимидан бошлаб, кейинчалик катта ўқитувчи, декан ўринбосари, декан лавозимларида ишлади. Бугун кунда Урганч инновацион университети ректори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Биз Мадамин Жумабоевич билан биргаликда фаолият олиб борганмиз, ҳамкорликда кўп ишларни амалга оширганмиз. Ўзининг болалик хотиралари ҳақида гапирар экан, у отасидан эрта ажралгани, оилада кўп қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келганини жуда маъюслик билан тилга олади. Мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ у ўз келажагини кўра олди. Журналист бўламан деб, ўсмирлик давридаёқ туман газетасига оммабоп мақолалар тайёрлай бошлади. Бу ҳол унинг қалбида эртанги кунга умид учкунларини пайдо қилди. Ҳа, бу орзулар, бу интилишлар, ҳаракатлар кўп ўтмай ўз мевасини бера бошлади.

Мадамин Жумабоевич 1982 йили Тошкент давлат университети шарқшунослик факультетига ўқишга кириб, 1989 йили мазкур университетни муваффақиятли тугатди. У шу ерда ўша даврнинг забардаст олимлари академик Азиз Қаюмов, машҳур шарқшунос, халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Шоислом Шомухамедов ва бошқа қатор олимлардан таҳсил олади. У форс, урду, пушту, афғон, дарий, араб тилларини ўрганади, кўпгина илмий манбалар билан танишади ва бу эса унда илм билан шуғулланишга замин ҳозирлайди.

Таниқли манбашунос, тарихчи олим Мирсодиқ Исҳоқовнинг шогирди сифатида, унинг илмий раҳбарлигида “Авесто”да мифологик қатлам”¹ мавзусида номзодлик диссертацияси устида ишлай бошлайди ва уни 2002 йили муваффақиятли ҳимоя қилади ҳамда филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлади.

¹ Эшмуродов М.Ж. “Авесто”да мифологик қатлам // филол. фанл. номз. диссерт. автореф.-ти. -Тошкент, 2002.



Ёшлигидан билим, ҳунар ва тил ўрганишдан чарчамаган М.Эшмуродов маънавиятнинг таркибий қисми бўлган миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларни акс эттирувчи, буюк тарихимиз акс этган “Авесто” китобидаги табиат культлари талқини” номли монографиясини² чоп эттиради. Унда образларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, анъанавийлик ҳамда адабий таъсир орқали бошқа асарга кўчиб ўтиши, ижодий ишлов берилиши, муаллифнинг образни ўз ғоя ва мақсадларига кўра қайта гавдалантириши натижасида юзага келган мавзу ва образлар олами қиёсий-тарихий ўрганилади³.

Мадамин Жумабоевич ўзининг илмий изланишларини давом қилдириб, 2011 йили “Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи” мазуидаги янги монографияси⁴ни эълон қилади ва Хоразм воҳасига оид маълумотлар, давлат тарихчилиги, ундаги сиёсий

² Эшмуродов М.Ж. “Авесто” китобидаги табиат культлари талқини. – Тошкент, 2002.

³ Эшмуродов М.Ж. “Авесто” китобидаги табиат культлари талқини. – Тошкент, 2002.

⁴ Эшмуродов М.Ж. Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи. – Тошкент, 2011.

арбоблар, унвонлар номлари, Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқлари, уларнинг географик ўрни ҳақида қимматли маълумотларни беради⁵.

Шунингдек, М.Эшмуродов ўзининг фаолияти давомида Хоразм давлатчилиги тарихини ёритиш учун турли тилларда битилган тарихий асарлардан фойдалангани, уларда жамланган ҳужжатлар, маълумотлар Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек давлатчилигининг қадимий тарих ва узок таракқиёт йўлига эга эканлигидан далолат берувчи илмий маълумотларни тўплаб, 2006 йили И.Элмурадов билан ҳаммуаллифликда “X-XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида”⁶ номли рисоласи, 2010 йили “Хоразм тарихчилари: Ўтамиш Ҳожи, Абулғозий, Мунис”⁷ номли монографияси, тарихшунос Умид Бекмуҳаммад билан ҳаммуаллифликда 2023 йили “Шарққа талпинган

⁵ Эшмуродов М.Ж. *Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи.* – Тошкент, 2011.

⁶ Эшмуродов М.Ж. *И.Элмурадовю Х-ХII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида.* – Урганч, 2006.

⁷ Эшмуродов М.Ж. *Хоразм тарихчилари: Ўтамиш Ҳожи, Абулғозий, Мунис.* – Тошкент, 2010.



шарқшунослар”⁸ номли монографияси, 2023 йили “Кўҳна ва янги Вазир”⁹ номли рисоласи чоп қилинган.

Юқоридан келтирилган асарлар Ўзбекистоннинг Х-ХII асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда маълум аҳамиятга эга бўлган манбалардан ҳисобланиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, М.Эшмуродов ўз илмий фаолияти давомида 100 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолаларнинг муаллифи саналиб, уларнинг 20 дан ортиғи хорижий давлатларнинг нуфузли журналларида чоп қилинган.

1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланганига қарамасдан 2017 йилгача республикада бирорта ҳам нодавлат олий таълим муассасаси ташкил қилинмади ва фаолият юритмади. Бунинг асосий сабаби хусусий олий ўқув юртларини ташкил этиш борасида аниқ қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги туфайли лицензия

⁸ Эшмуродов М.Ж., Умид Бекмуҳаммад. Шарққа талпинган шарқшунослар. – Бухоро, 2023.

⁹ Эшмуродов М.Ж., Умид Бекмуҳаммад. Кўҳна ва янги Вазир. –Хива: Хоразм Маъмун академияси, 2023.

олишни сўраб Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат тест марказига қилинган мурожаатлар кўриб чиқилмасдан қолиб кетган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг сабъ-ҳаракатлари, таълим соҳасида олиб бораётган оқилона ислохотлари, мамлакатда рақобатбардош хусусий таълим муассасаларини ташкил қилиш юзасидан берган таклифларидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 241-сонли қарори қабул қилинди. Шунга асосан М.Эшмуродов Хоразмда рақобатбардош таълим муҳитини янгилаш, мамлакатимиз ёшларининг эртанги кунини ўйлаб, вилоятда Урганч инновацион университетети нодавлат таълим муассасасини очишга жазм қилди ва 2022 йилда бу орзусига эришди. Бугунги кунда мазкур таълим даргоҳида талабалар сони уч мингга яқин, уларга таълим-тарбия бераётган профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари сони 150 дан ошиб,



муассасанинг илмий салоҳияти 38%ни ташкил этмоқда. Университетда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун барча шароитлар яратилди, ахборот-ресурс маркази, компьютер синфлари, спорт заллари, талабалар турар жойлари ташкил қилинди. Буларнинг барчасининг бошида мазкур олий ўқув юртининг асосчиси М.Эшмуродов турганлиги ҳеч кимга сир емас.

Инсон ўзи яшайдиган жамият, атрофидаги одамлар, ўзининг оиласи, фарзандлари, неваралари билан фахрланади. М.Эшмуродов оилали, иккита ўғил ва битта қизнинг отаси, 10 га яқин невараларнинг бобосидир. Барча фарзандлари олий маълумотли бўлиб, улар бугунги кунда жамиятда ўз ўрнига эгадирлар.

Бугунги кунда ўзининг 60 баҳорини қарши олаётган ака дўстимиз Мадамин Жумабоевич маънавиятнинг таркибий қисми бўлган тарих, тил, миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий анъаналар, илм-фан, таълим-тарбия каби барча йўналишларнинг тарғиботчисидир. Унинг бундан

кейинги фаолиятларида ҳам юксак парвозлар тилаймиз, янгидан-янги кашфиётлар кутиб қоламиз! Шундай қутлуғ кунда унга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, тинчлик-омонлик, мазмунли ҳаёт, дастурхонига файзу-барака, тўкин-сочинлик тилаймиз! Доимо элимиз эътиборида, шогирдлар ардоғида юриш насиб қилсин!

**Р.Ю.Худойберганов,
Хоразм вилояти ҳокими маслаҳатчиси,
филология фанлари номзоди, доцент.**



Хурматли Мадамин Жумабаевич!

Авалло, Сизни табаррук 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан кизгин ва самимий табриклаймиз!

Бугун ҳаётингиз, билим ва салоҳиятингиз, ғайрат-шижоатингизни илм-фан ривожига, мамлакатимизда олий таълимни тараққий топтиришга, ёш авлоднинг тарбияси ва камолига бағишлаб келганингизни мамнуният билан эътироф этамиз.

Сизнинг олий таълим тизимидаги шарафли хиссангиз 1989 - 1991 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Х.Сулаймонов номидаги Кўлэмалар институтидаги фаолиятингизда кўрина бошлади. Айниқса, 1991 йилдан 2022 йилгача Урганч давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, декан муовини, факультет декани лавозимларидаги самарали фаолиятингиз - юксак ташкилотчилик қобилиятингиз, талабчан устоз ва ташаббускор раҳбарлигингизни республикамиз фан ва таълимини юқори даражага кўтаришга қўшган беқиёс хиссангиз деб биламиз.

Сизнинг доимо изланувчан, янгилikka интилувчан, олий таълим соҳасининг билимдони сифатида тўплаган тажрибангиз, кузатишларингиз, тадқиқотларингиз, айниқса, “Ёш шарқшунослар” масъулияти чекланган жамиятини “Урганч инновацион университети” нодавлат таълим муассасасига айлантиришдаги ҳаракатларингизда яққол намоён бўлди. Мазкур олий таълим муассасаси ректори этиб тайинланганингиз эса бизни юксак фахр ва ифтихорга тўлдиради.

М.Эшмурадовнинг кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнатларини ҳукуратимиз “Ватаннинг садоқатли фарзанди – фидойи инсон”, “Жалолиддин издошлари” кўкрак нишонлари билан муносиб тақдирлагани эътирофга лойик.

Зеро, Сиз - ўз касбингизга бўлган садоқат ва фидойилигингиз туфайли жамоангиз, эл-юрт ҳамда мамлакатимиз илм аҳли ўртасида катта ҳурмат ва эътибор қозондингиз.

Танланган машаққатли илм йўлингиз, самарали меҳнат фаолиятингиз, тинимсиз изланиш ва ижодга йўғрилган мазмундор умрингиз Ватан қорига яраш, халқ хизматига камарбасталикнинг олий намунаси бўлиб, ўсиб – униб келаётган фарзандларимиз учун улкан ҳаёт мактаби вазифасини ўтамокда.

Хурматли Мадамин Жумабаевич!

Қутлуг кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва муваффақиятлар тилаймиз.

Мустақил Ўзбекистонимизда кечаётган шарафли янгиланишлар, шиддатли тараққиёт, ҳамкасблар ардоғи ва шоғирдлар камоли Сизни яна юксак илмий изланишларга даъват этиши шубҳасиз !

Тилагимиз, илм, ижод ва илҳом Сизни асда тарк этмасин!

Хурмат билан,

Урганч давлат университети ректори



Б.И.Абдуллаев

ЧИН ИНСОН, ФИДОЙИ РАҲБАР

Мен Эшмуродов Мадамин Жумабоевични 60 ёшга тўлганини эшитиб, унинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ўрганиб чиқдим. Оддий оиладан ва вилоятнинг чекка ҳудудидан етишиб чиққан, ўз билими ва иқтидори билан ўтган асрдаги энг нуфузли олийгоҳлардан бири – Тошкент давлат университети (Ҳозирги ЎзМУ) Шарқшунослик факультетига ўқишга кириб форс ва араб тилларини мукамал эгаллаганлигининг ўзи менда ҳавас уйғотди. Айниқса, унинг Афғонистонда бўлиб ўтган урушда собиқ Совет иттифоқининг армияси сафида хизмат қилиб чеккан қийинчиликлари -унинг кейинги ҳаётида муаммолардан чўчимасдан дангал ҳаракатлар қилишига ва ўз ишини уддалаб кетишига замин бўлганини ҳис қилдим.

Вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларини ҳар йили 25 мингдан зиёд ва шу атрофда 11-синф ўқувчилари битказадилар. Уларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичлари вилоят таълим тизимидаги



рейтингни белгилайди. Олий таълимга кириш кўрсаткичлари ўтган ўқув йилида 2022 йилдаги 38 фоиздан 51 фоизга кўтарилди. Бу кўрсаткичга эришишда Мадамин Жумабоевич раҳбарлик қилаётган Урганч Инновацион Университетининг ҳам улуши катта бўлди.

Айниқса, ўрта махсус маълумотли бошланғич синф ўқитувчилари ва хорижий давлатларга кирган талабгорларнинг ушбу олийгоҳга қабул қилинганлиги юзлаган талабалар учун имконият эшигини очиб берди.

Мадамин Жумабоевичнинг 2002-йилда “Авестода мифологик қатлам” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлиги, ҳозирда “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий иш олиб бораётганлиги, 5 та монография, 3 та рисола, 100 га яқин илмий мақолалар муаллифи эканлиги унинг раҳбарлик ишларидан ортиб илмий ишни ҳам рисоладагидек олиб бораётганлигининг исботидир.

Мен Мадамин Жумабоевични 60 йиллик юбилейи билан самимий табриклайман. Унинг келгуси ишларида омадлар тилайман. Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларига ривож бераверсин. Оилавий тинчлик ва хотиржамлик тарк қилмасин.

Ўрнат билан,

*Хамро Солаевич Бектемиров,
Хоразм вилояти Мактабгача ва мактаб
таълими бошқармаси бошлиғи.*

УЧРЕЖДЕНИЕ ОБРАЗОВАНИЯ
«ГРОДНЕНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ ЯНКИ КУПАЛЫ»

МСМХЛ

Уважаемый Мадамин Джумабаевич!

От коллектива Гродненского государственного университета имени Янки Купалы и от меня лично примите искренние поздравления с 60-летним юбилеем!

Своим эффективным трудом Вы вносите большой вклад в подготовку высококвалифицированных специалистов, укрепление научного и образовательного потенциала Узбекистана.

Ваши заслуги в управленческой сфере и плодотворной научно-педагогической деятельностинискажи Вам глубокое уважение и признание среди сотрудников и студентов Ургенчского инновационного университета.

Мы высоко ценим наше партнерство и надеемся на укрепление еще более тесных связей между нашими университетами. Уверены, что обоюдная нацеленность на углубление доверительных и конструктивных отношений между нами позволит обогатить двусторонний диалог между странами-партнерами новыми примерами плодотворного и взаимовыгодного сотрудничества.

В этот праздничный день желаю Вам, уважаемый Мадамин Джумабаевич, крепкого здоровья на долгие годы, благополучия и реализации намеченных планов. Пусть Ваша энергия всегда остается источником новых достижений на благо развития образования и науки Узбекистана.

С уважением,

*Ректор Гродненского государственного
университета имени Янки Купалы*



Н.Ф. Хатулько

Уважаемый Мадамин Жумабаевич!

От имени коллектива Брестского государственного университета имени А.С. Пушкина и от себя лично поздравляю Вас с юбилейной датой – 60-летием.

Ваш вклад в развитие научных исследований, образования и культуры неоценим. Ваша работа в качестве переводчика, научного сотрудника, преподавателя и декана, а теперь и ректора Ургенчского инновационного университета, вносит значительный вклад в развитие академического сообщества.

Ваша жизненная и профессиональная деятельность является примером высокого профессионализма, глубоких знаний, истинной преданности делу и служения своему Отечеству.

От всей души желаю Вам крепкого здоровья, счастья, благополучия, радости и неиссякаемой жизненной энергии.

С уважением,
ректор Брестского государственного
университета имени А.С. Пушкина

Ю.П. Голубев



МИНИСТЕРСТВО НАУКИ И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ
РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ
федеральное государственное бюджетное
образовательное учреждение высшего образования
«Алтайский государственный университет»
пр-т Ленина, 61, г. Барнаул, 656049
Тел. (385-2) 291-291. Факс (385-2) 66-76-26, E-mail: rector@asu.ru

Ректору Ургенчского инновационного
университета

М.Д. Ишмуратову



25.04.2024 № 10-2-210/01/2286
на № _____ от _____

Глубокоуважаемый Мадамин Джумабаевич!

От имени Алтайского государственного университета и от себя лично от всей души поздравляем Вас с юбилеем!

Вы – настоящий профессионал своего дела, Ваш опыт работы в системе высшего образования, развития научных и образовательных организаций, проектной и инновационной деятельности, международного сотрудничества неоценим.

На посту ректора Ургенчского инновационного университета Вы внесли весомый вклад в развитие научно-образовательного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией, по Вашей инициативе реализуются перспективные проекты в области изучения и сохранения историко-культурного наследия народов Центральной Азии.

Ваша многогранная личность, сильный характер, целеустремленность всегда позволяли добиваться выдающихся результатов во всех областях Вашей деятельности.

Выражаем Вам искреннее высокое уважение, гордимся плодотворным сотрудничеством с Вами и надеемся на новые совместные проекты и яркие достижения!

Ректор

С уважением, 

С.Н. Бочаров



Уважаемый Мадамин Джумабаевич!

От имени коллектива ФГБОУ ВО «Северо-Кавказская государственная академия» и от меня лично примите искренние и добрые поздравления с юбилеем-60-летием!

Юбилей – достойная вершина, позволяющая оценить пройденный путь. Ваш путь – яркий пример служения своей стране, науке, образованию, преданности выбранному идеалу. Вы достигли больших успехов во всех сферах своей деятельности и Ваши обширные знания идут во благо наших народов, ведут к укреплению связей и развитию сотрудничества наших вузов!

Шагая в ногу со временем, Вы осваиваете и внедряете самые передовые знания и опыт. Изданные Вами научные труды и монографии, преподавательская деятельность, педагогический дар - позволяют Вам готовить грамотных и эффективных специалистов! В этот знаменательный день от всей души желаю Вам крепкого здоровья, стабильного благополучия, новых достижений и долгой содержательной жизни!

Северо-Кавказская государственная академия высоко ценит Ваш вклад в развитие наших Российско-Узбекских отношений и нацелена на дальнейшее активное взаимодействие и сотрудничество!



Ректор Северо-Кавказской государственной академии Руслан Кочкаров



ДИЛИ ПОК ИНСОН

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг инсонларга бўлган меҳр ва эътибори, юксак инсоний фазилатлари, камтарлиги билан ҳақиқий хурматга мушарраф бўлишади. Шундай камтарин инсонлардан бири доцент, тарих фанлари номзоди дўстим, шогирдим, Урганч Инновацион университетининг ректори Мадамин Эшмуродовдир.

Мадамин Эшмуродов билан танишганимизга чорак аср бўлди. Мени 2002 йил филология факультетига декан қилиб тайинлашганди. Мен факультетда 7 йил давомида фаолият кўрсатдим. М.Эшмуродов ҳам кафедрада форс тилидан дарс берар эди. У билан биргаликда Эрон давлати билан ҳамкорлик алоқалар ўрнатдик. У жуда ташаббускор, илмга интилувчан ёшлардан бўлиб, факультет жамоат ишларида фаол катнашар, ташаббускорлиги билан ажралиб турар эди. Кейинчалик эса мен ректор маслаҳатчиси лавозимига ўтдим, бўлғуси олим эса факультет декани лавозимига тайинланди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки ҳар қандай ютук ва ғалабанинг тагида катта меҳнат ва маъсулият, интизом ҳамда ташкилотчилик каби хислатлар ётади.

Мадамин Эшмуродовда бундай хислатлар мужассам бўлиб, ўзи фаолият кўрсатган жамоаси шаънини доимо эъзозлаган. Ундаги яхши фазилатлардан яна бири яхши ташкилотчилик, одамийлик, қўлидан келадиган яхшиликни бировдан аямаслиги, ўта маданиятли, мустаҳкам фикрга эга инсонлигидир. У инсон ҳар қандай жараёнда ўзининг маъноли таклиф ва фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишининг ўзи ҳам диққатга, ҳурмат-эътиборга сазовордир.

Доцент М.Эшмуродов ўзининг ўнлаб дарслик ва монографиялари, рисолалари, юзлаган илмий мақолалари билан тарих фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлардан биридир. Айниқса унинг “Авесто”да табиат культлари талқини, “Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи”, “Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик”, “Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили ва тарихнавислик”



каби монографиялари, бир неча рисоалари, 100 дан ортиқ мақолалари ёш олимлар учун илмий манбадир.

Ҳозирги кунда олим “Хоразм туркий тарихнависликда давлатчилик терминологияси” мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида. Бугунги кунда ҳам уни ёшлар даврасида, ўз шогирдлари орасида тўлқинланиб, ниманидир тушунтираётганини, ёки йўл-йўриқ кўрсатаётганини кўрамиз.

Ўзининг 60 йиллик табаррук тўйини нишонлаётган дўстим, ҳамкасбим, муносиб шогирдлари Хоразм воҳасининг таълим муассасаларида келажагимиз бўлган ёш авлод тарбиясида фаолият кўрсатаётдилар. Мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтган Мадамин Эшмуродовнинг фарзандлари ва набиралари ҳам ота изидан бориб халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Олим, меҳр оқибатли дўст, меҳрибон устозга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, шогирдлар ва фарзандлар

бахтини кўриб, яшамоқлик бахтини тилаб, табрик сўзларимни шу сатрлар билан якунламоқчиман:

*Илм-фанлар масканин моҳир устози ул,
Илмий мумтозлар аро ҳурматли мумтози ул,
Биллурдек соф, озода, зоят сарафзори ул,
Бугун эл севган, қадрдон бир инсон тузилган кун,
Дўстим, чарчамас олим Мадаминбек тузилган кун.*

*Хушнуд Бабаджанов,
Урганч Инновацион университети профессори,
“Соғлом авлод учун” ордени соҳиби,
“Ўзбекистон олий таълим аълочиси”,
“Ўзбекистон халқ таълими аълочиси”*



“АВЕСТО”НИНГ ИЛК ТАДҚИҚОТЧИСИ

Яхши яшаб ўтган Инсон ҳаётининг мевалари хилма-хил ва барчасининг бир ҳикмати бўлар экан. Биров бир ғарибу бенавонинг кўнглини кўтарар ва ўзи ўйламаган ҳолда савоб заҳирасини бойитиб олар экан. Яхшилик ерда қолмас, деганлари бежиз эмас – чунки кўриб тургувчи бор. Савоб иш қилмоқлик эса, аслида жуда осон ва бу иш уч йўлда бўлади: қўлдан, дилдан ва тилдан. Бир вақтлар камина – ушбу сатрлар муаллифи ҳаёти йўлида қўлидан эмас, имкони қадар ақли ва тилидан, дилидан чиқариб бир яхшиликка бел боғлаган эдик. Яъни, ҳозирда Хоразмдаги машҳур Урганч инновацион университетининг ташкилотчиси ва ректори Мадамин Эшмуродовга фан номзоди илмий даражаси учун диссертация ишида илмий раҳбар бўлиб, бу ишни ёруғ юз билан ҳимояга олиб чиққан эдик.

Ўша пайтлари Урганч давлат университетининг ректори, академик Азимбой Саъдуллаев бир куни менга кўнғироқ қилиб, “Авесто”нинг 2700 йиллиги

муносабати билан университетда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш орзусида эканлигини ҳамда буни амалга ошириш учун шарқшунослик институтини тугатган истеъдодли ходим ҳам борлигини, бу ишга менинг раҳбарлик этишимни истаётганини айтди. Мазкур сана олдидан бутун мамлакатимиз бўйлаб тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган дамларда “Авесто”ни илмий тадқиқ этиш айти муддао эди. Бу таклифдан хурсанд бўлиб, дарров рози бўлдим. Негаки, ҳали очилмаган кўриқ бўлиб турган ушбу манбани илмий ўрганиш, уни илм оламига олиб кириш биз олимлар учун ҳам муҳим вазифа эди.

Орадан кўп ўтмай, Азимбой Саъдуллаев Хоразмдан бир йигитни ёнимга юборди. Суҳбат чоғида унинг илмга ташна, зукко, зеҳнияти баланд эканини англадим. Қўлёзма манбалар билан ишлаш осон иш эмаслигини ҳамма яхши билади. Лекин мен унинг бу ишни удалашига ишондим. Мен ишонч билдирган бу йигит бугун ўзининг қутлуғ 60 ёшини қарши олаётган Мадамин Эшмуродов эди.



У менинг илмий раҳбарлигимда зардуштийликнинг муқаддас китоби юзасидан ““Авесто” да мифологик қатлам” мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Тинимсиз изланишлар ўз самарасини берди. Мадамин 1999 йилда диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди. Мазкур ҳимоя иши “Авесто”ни илмий тадқиқ этишдаги биринчи иш, илк қадам сифатида катта аҳамият касб этди, илмий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

Мадамин кейин ҳам бу мавзу устидаги изланишларни давом эттирди. Хусусан, Хоразм тарихига оид манбалар бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борди. Бугунги кунда унинг ушбу йўналишдаги 100 га яқин илмий мақолалари эълон қилинди. Уларнинг 20 таси халқаро миқёсдаги нашрлардир. Мен бу шогирдим билан тўла маънода фахрланаман. Мадамин яқин орада “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасидадир.

Мана, 1989 йилда Тошкент давлат Шарқшунослик институтини битказган Мадаминбекнинг ўзи ҳам бугунги кунда бир қанча авлод олий маълумотли кадрларнинг устозига айланди. Урганч давлат университетида 30 йилдан ортиқ педагогик фаолият олиб борди. Ва энг қувонарлиси, Республикамиз таълим тизимида хайрли ислохотлар заминидаги имкониятлар доирасида Урганч инновацион университетига асос солди. Бугун Мадаминбек бошлиқ университет жамоаси бирнинг эмас, мингнинг ҳожатини чиқариб, илм олиш истагидаги ёшларнинг олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишишлари йўлидаги орзуларига қанот бағишламоқда.

Бу жиҳатларнинг барчаси Мадаминбек салоҳияти ва журъатининг янги қирраларини намоён этди. Ахир айтишади-ку, дарё тошса, ўзан излайди. Ушбу янги ўзанда илм-фан, маърифат дарёси жўш ураверсин.

Мен заҳматкаш, фидойи, меҳрибон шогирдим Мадамин Эшмуродовни кутлуғ ёши билан муборакбод



этаман. Унинг илмий ишларига юксак парвозлар тилайман.

*Мирсодиқ Исҳоқов,
Тошкент Давлат Шарқшунослик
университети профессори,
тарих фанлари доктори.*

БОКУДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МОНОГРАФИЯ

Туркий дунё, хусусан Ўзбекистон Республикасига қилган илмий сафарларим давомида ҳамиша озарбайжон миллатининг буюк шахсиятлари тўғрисида эзгу фикрлар эшитсам, қалбим қувончга, фахру ифтихорга тўлади. Айниқса, Зиё Бунёдов сингари илми-ю, шахсияти, қабтияти эътироф этилган ватандошим тўғрисида бирон фикр билдирилса, ё китоби қайта нашр этилса, ёхуд бирон асарда у ҳақда хотиралар битилгудек бўлса, дарҳол ушбу асарни ўқишга интиламан. Табиийки, буни она юртимда ҳам тарғиб қиламан.

Хоразмлик дўстимиз Умид Бекмуҳаммад Бокуга келган дўстларидан бериб юборган совғалари орасида “Шарққа талпинган шарқшунослар” монографияси дарҳол менинг эътиборимни тортди. Монографияда академик Зиё Бунёдовнинг расмига кўзим тушиб, қалбим қувончга тўлди. Китобни мутолаа қилиб, ундаги мазмун, илмий теранлик, кенг қамровдаги тафсилотлардан хурсанд бўлдим. Айниқса, Зиё Бунёдовга бағишланган қисмларни қайта-қайта ўқиб чиқдим-у, олимнинг Ўзбекистон, Хоразм билан боғланган фаолиятидан янада кенгроқ тасаввурга эга бўлдим. Шу тарзда монография ҳақида мақола ёздим ва у “АЗЕРТАГ” ахборот агентлигининг 2023 йил 8 сентябрдаги сонидан эълон қилинди.

Мана ўша мақоладан парча:

Özbəkistan Respublikası Ürgənc İnnovativ Universitetinin rektoru dosent Mədəmin Eşmuradov və Xarəzm Məmun Akademiyasının baş elmi işçisi tarix üzrə fəlsəfə doktoru Ümid Bekmühəmmədın “Şərqə



tapıman şerqşünaslar” monoqrafiyası Buxara şəhərindəki “Durdona” nəşriyyatında işıq üzü görüb.

AZƏRTAC xəbər verir ki, monoqrafiyada Şərqlə xalqlarının dünyada yeri və rolu, eləcə də dünyada şerqşünaslıq elminin yaranması və formalaşması, bu regionu tədqiq edən institutları, Rusiyada və Avropada formalaşan şerqşünaslıq elmi-tədqiqat mərkəzləri, bu elmin inkişafında böyük xidmətləri olan məşhur rus və macar alimlərinin həyat və yaradıcılığı tədqiq edilib. Monoqrafiyada elmi və şəxsi fəaliyyəti ilə Xarəzmdə dostluq rəmzinə çevrilmiş Azərbaycan xalqının görkəmli oğlu, akademik Ziya Bünyadova da geniş yer verilib. “Ziya Bünyadov və Xarəzm tarixi” adlı xüsusi bölmədə akademiklərin həyatı, yaradıcılığı, şerqşünaslıq elminə verdiyi töhfələr, Özbəkistan və Xarəzmə səfərlərindən bəhs edilir.

Müəlliflər Ziya Bünyadovun “Xarəzmşah-Anuştegenlər dövləti” əsərini xarəzmşünaslığa böyük töhfə və indiyədək yazılmış ilk və nadir əsər kimi qiymətləndiriblər. Həmçinin alimin səfəri zamanı onunla tanış olub dostlaşan Tahir Qəhhar, Pirmət

Şermuhammedov, Nurəli Qabul, Mahkam Mahmud, Azad Hüseynov, Aşıq Erkin, Kamil Əvəz kimi alimlərin xatirələri vasitəsilə Ziya Bünyadov fenomenini üzə çıxarıblar.

Monoqrafiyanın maraqlı məziyyətlərindən biri də müəlliflərin irəli sürdükləri təkliflərdir: “Məlumdur ki, Ziya Bünyadov Özbəkistanda dəfələrlə olub, elm və incəsənət xadimləri ilə söhbət edib. Alimin bu müsahibələri və müxtəlif məqalələri “Özbəkistan ədəbiyyatı və incəsənəti”, “Şərq ulduzu”, “Gülüstan”, “Xarəzm həqiqəti”, “Xarəzmskaya pravda” qəzetlərində dərc olunub. Həmçinin Ziya Bünyadovun ÖzTV və Xarəzm TV-yə verdiyi müsahibələr televiziya arxivində qorunub saxlanılıb. Ziya Bünyadovun Özbəkistan mətbuatında dərc olunmuş məqalələri, müsahibələri, onunla görüşən həmvətənlərimizin xatirələri, eləcə də alimin tərcümə olunmuş əsərlərindən ibarət kitab nəşr edilməlidir. Belə bir böyük Azərbaycan alimi haqqında sənədli film çəkmək, “Ürgənc şəhərinin fəxri vətəndaşı” olan alimin şərəfinə Xarəzm vilayətinin mərkəzində alimin adına



prospekt və heykəl ucaltmaq lazımdır və Ürgənc Dövlət Universitetinin istedadlı tələbələri üçün Ziya Bünyadov adına təqaüd tətbiq edilsin”.

Мен ана шу монография ҳаммуаллифи, филология фанлари номзоди, доцент Мадамин Эшмуродовнинг илмий фаолиятига омадлар тилаган ҳолда, уни табаррук 60 ёши билан кутлаб қоламан.

*Алмаз Улвий Биннатова,
Озарбайжон Миллий Билимлар академияси,
Н.Ганжавий номли тил ва адабиёт институти бўлим
мудири, филология фанлари доктори, профессор.*

ОЛИМ МАДАМИН ЭШМУРОДОВ – 60 ёшда!

Мамлакатимизда тарих илми равнақиға давлат даражасида катта аҳамият берилиши натижасида тарихий манбашуносликда қалам тебратаётган ижодкорларнинг асарлари кетма-кет нашр қилинмоқда. Китоб дўконларининг пештахталари ранг-баранг асарлар билан тобора бойиб бораётир.

Мустақиллик йилларида олим сифатида эътироф этилган тарихчилар орасида Мадамин Эшмуродовнинг ўзига хос ўрни бор. Мадамин Жумабоевич Эшмуродов китобларидан бирини бежизга “Шарққа талпинган шарқшунослар” номи билан тортиқ қилмаган¹⁰. Монографиянинг номланишиданок тарих мухлиси ҳақли равишда қуйидаги хулосага келади: ўзликка қайтиш, уни ўз вақтида қадрлаш ҳар бир манбашуносни нурли келажак сари чорлайди.

¹⁰ Шарққа талпинган шарқшунослар. Монография/Умид Бекмуҳаммад ҳаммуаллифлигида. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023.



Мадамин Жумабоевич Эшмуродов 1990 йилда Урганч давлат университетида ўқитувчи лавозимида иш бошлаган. Қарийб 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида мазкур даргоҳда талабаларга илм берди. Бу, менимча, кўпчилигимизга ибрат бўладиган фазилат.

Олимнинг катта-кичик барча тадқиқотлари шу институт муҳитида туғилган. Устоз тарихчи олимларнинг кўтаринки, тарихий ўғитларга бой, чуқур маъно қадар йўғрилган юксак манбаларидан бахраманд бўлган манбашунос олимнинг тарихий асарлари кишига ёруғ бир умидларни бахш этади. Чунки олимнинг Хоразм тарихига бағишланган монографиялари замирида унинг миллатга бўлган меҳри, муҳаббати мужассамдир. Дарҳақиқат, матншунос олим Иброҳим Ҳаққул ёзади: “Олимларнинг эътирофлари бўйича ҳинд, юнон, чин тушунча тизимидан фарқли ўларок, туркий халқлар фикр ва тушунча тизимида миллат севгиси, Аллоҳ кўрқуви ва тўғрилиқ доимий равишда устуворлик қилиб келган”.

Мадамин Эшмуродов азалий қадрдонларимдан. Аниқроғи, талабалик йилларидаги дўстим, курсдошим бўлган. Эсимда, у ўша кезларда кўнгиллилардан бири бўлиб Афғонистонда ҳарбий хизматни ўташ учун кетган эди. Мен учун унинг энг муҳим фазилатларидан бири шоиртабълиги – сукути эди. Ёш бўлишига қарамасдан, гапирганда катталарга хос бир вазминлик билан дона-дона сўзларди. Ана шу фазилатлари учунми, уни негадир кўпчилик Мадаминбек ҳам деб чақирар эди. Лекин у қўштирноқ ичидаги беклардан эмас эди. Чуқурроқ мулоҳаза юритсангиз, одамни сескантириб юборадиган аччиқ ҳаёт ҳақиқати бугунги кунимиз учун ҳам хос экани, халқ манфаатлари билан ҳисоблашмасдан, мансабини суиистеъмол қилаётган, демак, маълум маънода “зулмкорликни ҳаддан ошираётган” замонавий беклар – турли даражадаги мансабдорлар йўқ эмаслигидан изтиробга тушасиз. Зеро, ўша давр шитоби билан айтганда, Мадаминбек чинакам танти, адолатли беклар сирасидан десам муболаға қилмаган бўламан. Яна билмадим, Тангри кўпроқ билгувчирокдир!



Мутахассислиги тарихий манбашунослик бўлган, қолаверса, тарихий мавзудаги қатор монография, рисола ва мақолалари билан танилган олим Мадамин Эшмуродов “Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи”, “Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик”, “Шарққа талпинган шарқшунослар” каби тарихий мавзуларда қалам тебратади. У эндиликда “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди.

Хуллас, Мадамин Эшмуродов 60 ёшида ҳам фаол, бедор. Халқимизнинг келажаги, ёшлар таълим-тарбияси йўлида жон кўйдириб меҳнат қилмоқда.

Дўстим, таваллуд айёмингиз билан табриклайман! Ёрқин ижодий кайфият, юксак ютуқлар, фаровонлик, тани сиҳатлик, ҳар соҳада муваффақият ёр бўлсин! Бошлаган ишингизни ҳеч қачон тўхтатманг. Янги ғояларни ўрганиш, ўз-ўзини ривожлантириш ва фақат энг яхшисига интилиш каби



хислатларингизга ҳамиша содиқ қолишингизни
тилайман!

*Манзар Абдулхайр,
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Матншунослик ва адабий манбашунослик
кафедраси профессори, филология фанлари
доктори*



СОҲИБМАҚОМ УСТОЗ, ОЛИМ ВА РАҲБАР

Яратганга аён ҳикмат сабаб бир инсонга берилган умр, неъмат, истеъдод, насиба ва ҳоказолар худди бармоқ изларидек бошқа бирини такрорламайди. Шунинг учун ҳам, айниқса, бир қатор фазилатларга эга инсонлар унчалик кўп ҳам эмас. Масалан, илмли одам мулку молли бўлиши, молдор эса илмли, илму моли борларининг одамийлиги бўлиши кабилар ҳолатга ноёб ҳолат саналгани учун бу хислатларнинг барчаси ёки бир нечасига эга замондошларимиз ҳамиша ҳавас ва ҳайратимизга сабаб бўлади.

Ана шундай замонамизнинг ҳавас қилса арзийдиган ва ҳайратимизга боис инсонларидан бири Мадамин Эшмуродовдир. Қишлоғидан катта манзилларни кўзлаб чиқиб кетганига анча бўлган, қанча “бозорларни кўрган” бўлишига қарамай, ҳали ҳам нигоҳида соддалик ва самимийлик, ҳамроҳу ҳамсуҳбатларга нисбатан ҳурмат ва ишонч барқ уриб турган бу инсон бугун филология фанлари номзоди,

доцент, Урганч инновацион университети ректоридир . Лаҳзада санаб ўтилган бу илмий даража ва унвонлар, лавозимларга Мадамин Эшмуродов ўзи каби барча соҳибмақомлар қатори бирданига эришгани йўқ.

Энг аввало, Мадамин Эшмуродов турмуш ўртоғидан эрта айрилиб қолган бўлишига қарамай, бир этак болаларини ёлғиз қўл билан коло этган, элнинг ҳавас қилса арзирли йигит-қизлари қилиб ўстирган вафо тимсоли саналмиш онанинг фарзанди. Албатта, ҳар кимнинг ҳам ҳаётида онанинг ўрни бекиёс. Лекин Мадамин Эшмуродовдай серқирра, фазилатларга бой, собитқадам инсонларни ўзи маърифатли, фарзандлари камолот йўлларини неқбинлик билан мушоҳада қила оладиган, тийнатида мардлик, сокинлик, ўта чидам ва саботи бор оналаргина туғиб, тарбиялай олади. Шунинг учун Мадамин Эшмуродов ота истаган, она орзу қилган манзилу сарҳадларга ета олди.

Бўлғуси устоз, олим, раҳбарнинг айнан шарқшунослик соҳасини танлаши ҳам ана шу неқбин она маслаҳати билан бўлди. Йигитлари асосан қишлоқ хўжалиги, адлия ва кам бўлса ҳам педагогика



соҳаларида таҳсил олаётган қишлоқда шарқшунослик ҳақида тасаввурнинг ўзи ҳам унча кенг эмас эди. Шу пайтларда Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетида (ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университетида) вилоятнинг ўзидан Набибуллоҳ Ҳасанов, Бахтиёр Хўжаев (Аллоҳ уларни раҳмат қилсин) каби санокли талабалар таҳсил олгани рост. Бу талабалар Хоразмдан етишиб чиққан биринчи шарқшунос Абдулла Аҳмедов издошлари эди. Мадамин Эшмуродовнинг ўз талаб ва анъаналарига эга факультетнинг эрон филологияси бўлимида таҳсил олиб кетиши осон бўлмади. Бунда ўша пайтлари факультетда ишлаётган хоразмлик ягона ўқитувчи Исмоил Бекжоннинг янги талабага алоҳида эътибори, дарсдан ташқари вақтларида ҳам қаттиққўллик билан қарагани ўз самарасини берди. Кейинчалик машҳур шарқшунос, Фирдавсий номидаги халқаро мукофот соҳиби Шоислом Шомухамедов, Зикрилла Умаров, Жалил Ҳазраткулов, Аҳмад Қуронбеков, Боситхон акалардан сабоқ олиб, ихтисослик сирларини эгаллади.

Мадамин Эшмуродов ҳаётидаги синовли кунларнинг яна бири собиқ Иттифок армияси сафидаги хизматни 1978 йилдан оловли нуқтага айланган Афғонистонда ўташга тўғри келгани бўлди. У форс тили, шу билан бирга дарий ва пушту тиллари мутахассиси сифатида Мозори Шарифдаги шўро консулхонасида фаолият олиб борган бўлса ҳам, ҳар куни жанг тафсилотлари, йўқотишлар билан боғлиқ ҳаммага ҳам ошкор қилинмайдиган маълумотларни таҳлил қилиб, қайта ишлаши натижасида вужудида бевосита фронт сарҳадларидаги зобитлардан кўра кўпроқ оғриқ ва хавф сезар эди. Мадамин Эшмуродовнинг кейинги фаолиятида урушдан олган сабоқлари қанчалик асқотган бўлса, одамлар билан муносабатида шунчалик кучли таъсирини қолдирди. Ундаги башардўстлик, инсонсеварлик ҳиссини янада орттирган ҳам жанггоҳ жароҳатларидир.

Университетни муваффақиятли яқунлаган ёш мутахассис иш фаолиятини дастлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёмалар институтида бошлади. Бу даргоҳда,



айниқса, академик Азиз Қаюмовдан бевосита сабоқ олиш бахтидан ўзи устозлик мақомига етган бугунги кунда ҳам масрур у.

Олимнинг дастлаб 2002 йилда “Авесто”да табиат културлари талқини” монографияси нашр қилинди. Ушбу монография шу йили профессор Мирсодиқ Исҳоқов раҳбарлигида ёқланган шу мавзудаги фан номзодлиги диссертациясининг асосий мундарижасини қамраб олган.

2011 йилда нашр қилинган “Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи” монографияси эса 14,5 босма табоқдан иборат бўлиб, олимнинг узоқ йиллик муттасил меҳнатлари натижаси ўлароқ дунёга келди.

2023 йилда эса “Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик”, “Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили ва тарихнавислик”, “Шарққа талпинган шарқшунослар” монографиялари (Умид Бекмухаммад хаммуаллифлигида) унинг Шарқ халқлари тарихи бўйича билим доираси нақадар кенглигини кўрсатади. Шу билан бирга “X – XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида” (Исроил Элмурадов

ҳаммуаллифлигида), “Кўҳна ва янги Вазир” (Умид Бекмуҳаммад ҳаммуаллифлигида), “Хоразм тарихчилари: Ўтамиш Ҳожи, Абулғозий, Мунис” рисолалари мутахассислар томонидан бирдек эътироф этилган. Шунингдек, олим 100 га яқин илмий мақолалар муаллифи бўлиб, шулардан 20 таси чет элнинг нуфузли журналларида нашр қилинган. Ҳозирда “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертациясини ҳимоя қилиш арафисида.

Мадамин Эшмуродов қиёфасида инсоний фазилатларга бой устоз, олим, ташкилотчи, раҳбар шахсни кўрамиз. У филология ва тарихнинг бир неча йўналишлари: фольклор, мумтоз филология, форс тили ва адабиёти; Шарқ халқлари тарихи, қадимги халқлар ёзув маданияти ва ёзма ёдгорликлари, давлатчилик тарихининг билимдони, ушбу соҳалар бўйича қимматли асарлар муаллифидир.

Олим Урганч инновацион университети НТМ асосчиси ва ректори, шунингдек, университетнинг



“Инновация ва тараққиёт” илмий-методик журналининг ташкилотчиси ҳамда бош мухарриридир.

Устоз Мадамин Эшмуродов умр йўлдоши Дармонжон опа билан Беҳзодбек, Фаррухбек ҳамда Дилдорахонларни эл хизматига камарбаста қилиб тарбияладилар. Биз яхши олим, ҳақиқий устоз, намунали раҳбар, толмас тадқиқотчи ва ташкилотчи, албатта, ҳамма ҳавас қилса арзирли оила бошлиғи ҳам бўлиш кераклигини Мадамин Эшмуродов мисолида кўрамиз.

Устоз бугун олтмиш ёшни қарши олмоқдалар. Аслида олим учун, устозлар учун бу ёш камолот палласидир. Камолот онлари муборак, Устоз!

*Абдулла Ўрозбоев,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

КАСБДОШИМГА ТИЛАКЛАРИМ

Маълумки, ер юзидаги ҳар бир минтақанинг жаҳон тамаддунида ўзига хос ҳиссаси бор ва бу ҳар бир ҳудуд, шу ҳудуддаги халқлар учун фахрланарлидир. Бироқ, дунёда “шарқ фалсафаси”, “шарқона тарбия”, “шарқ мусиқаси”, шарқ маданияти”, “шарқ уйғониш даври”, “шарқ миниатюраси”, “шарқона бозор”, “шарқона феъл-у атвор” сингари тушунча ва атамалар, ҳаттоки ўзбек хотин-қизлари ичида Шарқия исмли аёллар ҳам борки, бу ҳам табиийки шу минтақа аҳлига нисбатан инсоният аҳли ва дунё илму-фанидаги эътирофли, эъзозли туйғуни уйғотади.

Балки шу боисдан ҳам дунёда фахру эҳтиромга лойиқ шарқшунослик номли фан пайдо бўлгандир. Асли Афғонистонда туғилиб ўсган ўзбек, Боку ва Тошкентда таҳсил олган филолог, шарқшунос сифатида, гарчи ҳозирда АҚШ фуқароси бўлсам-да, доимо шарққа талпинаман. Шарқ кўлёмалари, тарихга оид ыандай китоб бўлса, танишишга интиламан.



2023 йилнинг сентябрида, кўп йиллик қадрдон дўстим –тарихчи ва публицист Умид Бекмуҳаммаднинг таклифига кўра иккинчи бора Хоразмга ташриф буюрдим. Доимгидай тариху адабиёт, буюк сиймолар ҳақидаги суҳбатлардан сўнг Тошкентга кетарканман, Умидбек Мадамин Эшмуродов билан ҳаммуаллифликда нашр эттирган “Шарққа талпинган шарқшунослар”, “Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили ва тарихнавислик”, “Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик” монографияларини туҳфа қилди.

Ушбу монографияларни ўқирканман, мавзуга оид кўплаб асарлар теран таҳлил этилгани, манбашуносликда оид жуда кам ўрганилган қўлёзмалар тадқиқ қилинганига амин бўлдим.

Билишимча, Урганч инновацион университети ректори Мадамин Эшмуродов мен сингари филолог-шарқшунос экан. Ўйлайманки, агарда яна Хоразмга борсам, касбдошим билан шарқ қўлёзмалари, форсий тил таровати, бебаҳо манбалар таҳлили хусусида суҳбатлар қураамиз.

Мен касбдошимга соғу омонлик, илмий ишларида юксалишлар тилаган ҳолда, Урганч инновацион университетида талабалар, илмий-педагогик жамоа билан учрашувни интиқлик билан кутиб қоламан.

Ҳаммуаллифликда яратган юқоридаги китоблари эса доимий мутоалла қиладиган асарларим ва улар шахсий кутубхонамдан жой олган.

*Азизуллоҳ Арал,
АҚШ, Калифорния, шарқишунос олим.*



ЧИҒИРИҚЛАРДАН ЎТГАН, ТОБЛАНГАН ДЎСТИМ

*Сахро сўқмогида бошин эгиб жим,
Бир кимса келмоқда, билмадим у ким.
Агар у сен бўлсанг, ёнингга борай,
Агар у мен бўлсам, мен томон кел, эй дўстим.*

А. Орипов,
Ўзбекистон Халқ шоири.

Мадамин дўстим билан 1982-1989 йиллар собиқ ТошДУ (ҳозирги М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети)нинг Шарқшунослик факультетида (у киши форс-афғон, мен эса хитой тили бўлимида) таҳсил олдик. 1983-1985 йиллар совет армиясида бирга йигитлик бурчини ўтадик. Мадамин 1988 йили Афғонистон Республикасининг Мозори Шариф шаҳрида таржимон бўлиб фаолият юритди. Айни ўша йиллар у ҳаёт қозонида қайнади.

Мадаминнинг хоразмлик талабалар ичида ўзининг босиқлиги, вазминлиги, ҳар бир гапни тарозига тортиб гапириши, суҳбатдошини эшита

олиши ва режа асосида иш юритиш қобилияти мени у билан дўст туғинишимга туртки бўлганди.

Аслида талабалик синов даври бўлиб, бу давр келажак учун кўприк вазифасини ўтайди. Ҳаётнинг ўзи вақт ўтиши билан дўстларни ҳам сарагини – саракка, пучагини – пучакка ажратар экан. «Сен менинг чин дўстим», деганлар ҳам секин чекиниб, гўёки суздай кумнинг ичига сингиб кетар экан. Мадамин ана шундай, дўстлик учун ҳаётнинг синов чиғириқларидан ўтган, тобланган камдан кам дўстларимдан ҳисобланади.

Мадамин Жумабоевич ўзининг тинимсиз меҳнати билан устозлари ишончини оқлаб келаятган талабалардандир. Чунки, мустақилликдан кейин кўплаб ўша давр ёшлари тирикчилик сабаб, ўз истеъдодини намоён эта олмадилар. Ишонч билан айтаманки, Мадамин ҳам ҳамма тенгқурлари қатори ўша давр синовларидан ўтиб, айна илм – фанда, таълимда ўзининг ҳаёт йўлини топди. Ўтган йиллар давомида кўплаб ёшларни тарбиялаб, вояга етказди. Ишончим комилки, Мадамин Эшмуродов кўлида



тарбияланган шогирдлар мамлакатимизнинг турли соҳаларида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Мадамин талабаларга таълим бериш баробарида ўзбек илм-фанини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У таниқли манбашунос, тарихчи ва тилшунос олим Мирсодиқ Исҳоқовнинг раҳбарлигида "Авесто"да мифологик катлам» мавзусида (2002) номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ҳозирда «Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси» мавзуидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Дўстим Мадаминнинг ютуқлари бу менинг ҳам ютуқларим десам, асло хато қилмаган бўламан. У айни вақтда Урганч инновацион университети НТМ асосчиси, шунингдек, университет «Инновация ва ва тараққиёт» илмий-методик журналининг ташкилотчиси ва бош муҳарриридир. Мен унинг эришган ютуқлари билан чин маънода фахрланаман.

Қадрли дўстим Мадамин Жумабоевич, 60 ёш тўй муборак. Қалам ушлаган бармоқларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин!

Келинойи билан қўша қариб, фарзандларнинг кўрку камолини кўриб, қариндош – уруғ, яқинлар, дўсту – биродарлар, шогирдлар ардоғида бўлиб юринг.

Шоазим Ибрагимович Шазаманов,
Тошкент Давлат Шарқшунослик
университети профессори,
Социология фанлари доктори.



НОЁБ МУТАХАССИС

Таниқли шарқшунос, моҳир педагог, етук раҳбар Мадамин Эшмуродов қутлуг 60 ёшга тўлди.

Мен Мадамин Жумабоевични қарийб 30 йилдан буюн биламан. Домла ўзининг машаққатли ва шарафли ҳаёт йўлига эга. Айни йигит ёшида Афғон тупроғида фаолият олиб борди. Мақсадсиз урушнинг синовларига бардош берди. Ўз навбатида ғайри тилнинг таржимони бўлди, беайб ёш аскарларнинг дил тилмочига айланди. Биз домла қиёфасида афғон уруши қатнашчиларининг орзу-армонларини кўрамиз.

Мадамин Эшмуродов отахон илм даргоҳи – Урганч давлат университетида ўқитувчи, доцент, декан муовини, факультет декани сифатида самарали фаолият юритди. Айниқса, домла университетдаги ноёб мутахассислардан эканлиги билан ажралиб турди. Чунки форс тилини чуқур билувчилар нафақат университетда, балки вилоятимизда ҳам жуда кам эди ва ҳозир ҳам шундай. Домла бу тил бўйича етук мутахассис сифатида талаба-ёшларга сабоқ берди, бир

қанча шогирдлар тайёрлади. Таъбир жоиз бўлса, ўзининг ноёб мутахассис эканлигини исботлади.

Мадамин Жумабоевич таниқли олимлардан ҳисобланади. Унинг 2002 йилда ҳимоя қилган “Авесто” да мифологик қатлам” мавзусидаги номзодлик диссертацияси авестошунослик ривожига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди. Домла серкирра олимдир. У фольклоршунос, адабиётшунос, тилшунос, тарихчи сифатида илм аҳлига яхши таниш. Олим томонидан чоп этилган 5 та монография, 100 дан ортиқ илмий мақолалар Мадамин Жумабоевичнинг тадқиқотчилик маҳоратини кўрсатади. Бугунги кунда ниҳояланган “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳам тилшунослик ривожига муносиб ўринга эга.

Домла моҳир педагог, салоҳиятли олим, ташкилотчи раҳбар сифатида 60 йиллик таваллуд айёмини нишонламоқдалар. Ўз навбатида намунали ота, намунали оила бошлиғи сифатида ҳам жамиятда ҳурмат-эътибор қозонган. Биз мана шу қутлуг



дамларда Мадамин Жумабоевични табаррук 60 ёши билан самимий муборакбод этамиз. Домлани ғайратшижоат, ижод улуғворлиги сира тарк этмасин. Республикамиз таълим тизими ривождаги ишларига Аллоҳ ривож берсин.

*Дилшод Ғайипов,
УрДУ Ўзбек филологияси факультети декани,
филология фанлари доктори, профессор*

ШАРҚШУНОСЛИКДАН РЕКТОРЛИККАЧА

60 ёшлик табаррук санани шоду хуррамликда ва бир қатор янгиликлар билан кутиб олган Мадамин Эшмуродовни шахсан 1992 йилдан бери яхши танийман. Яъни, 1992-1997 йиллардаги УрДУдаги талабалик давримда домла бизга форс тилидан сабоқ берганлар.

Кейинчалик архив ва матбуот тарихидаги ҳужжатларни тадқиқ қилиш жараёнимда Мадамин Эшмуродов номини “Пахтакорлар овози”, “Хоразм ҳақиқати” газеталарига ўқувчилик даврида ёзилган мақолалар муаллифи сифатида билдим. Ўспиринлик, ёшликка хос турли мавзуларда ёзилган мақола, хабар, ҳикоялар домламининг ўзига хос иқтидори, интилишларидан дарак берарди.

Устознинг ўзи айтганидек, ана шу интилиш билан у ТОШДУнинг журналистика факультетига ҳужжат топшириш ниятида, қўлида бир даста мақолалар билан пойтахтга боради. Аммо у турли сабаблар билан шарқшунослик факультетига ҳужжат топшириб, талаба бўлиш шарафига эга бўлди.

Менинг талабалик давримда Мадамин ака билан бир элдан-Гурландан бўлганимизга, муносабатларимиз



яхши эди. Ўша вақтлари у кишининг армияда-Афғонистонда бўлгани ҳақида гап-сўзлар юрарди. Кейинчалик билишимча, форс тили мутахассиси бўлган домламиз собиқ иттифокнинг Мозори Шарифдаги консулхонасида таржимон бўлиб фаолият юритган экан. Табиийки, университетда олган билимларини мустаҳкамлаш учун ҳам таржимонлик бир имкон бўлган, уруш бўлиб турган давр хавф-хатарга тўла эди. Ана шу уруш оловидан омон-эсон келган домламиз меҳнат фаолиятини Хоразм давлат педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлади. 1992 йилдан университетга айлантирилган олийгоҳда ўқитувчи, декан муовини, филология факультетида декан вазифаларида фаолият кўрсатди. Бу орада эса илму фанда катта нуфузга эга бўлган профессор Мирсодиқ Исҳоқов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёклади, доцент даражасини олди. Бир қатор қўлланмалар, китоблар, монографиялар нашр эттиришга эришди.

Гарчи мен ўқишни битириб, 2007 йилгача таълимга оид бошқа соҳаларда фаолият кўрсатган бўлсам-да, бирон бир ташкилотдами, кўчадами, ё элдошлигимиз боис Гурланда учрашиб қолганимизда домла билан самимият

билан гурунг қилардик ва мавзу айланиб, тарихга, ижодга бориб тақаларди.

2007-2010 йиллардаги УрДУ даги ўқитувчилик давримда домла билан тарих факультетида бирга фаолият кўрсатдик ва суҳбатлар яна турли мавзулардан айланиб, тариху ижодга бориб тақалар, ҳаммуаллифликда бирон тадқиқот қилишни режалаштирардик. Аммо мен 2010 йилдан яна бошқа соҳалар, халқаро ташкилотлар, иқтисодий ва туризм ташкилотларида фаолиятга ўтганим боис, домла билан режалаштирган ишлар кечикиб кетди.

Домлани қайдадир учратсам, гоҳида жамиятда маълум бир ютуқларга эришсам, улар телефон қилиб “шогирд, табриклайман” дея эзгу тилақларини билдирардики, бу ҳам мен учун ўзига хос далда бўлар эди...

2018 йилдан УрДУ, 2020 йилдан Хоразм Маъмун академиясига ишга ўтганим боис домла билан қолиб кетган ҳамкорликларни амалга оширишга киришдик. Натижада “Кўҳна ва Янги Вазир” китобимиз, “Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили ва тарихнавислик”, “ Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик”, “Шарққа талпинган шарқшунослик” номли монография -ларни ҳаммуаллифликда нашр эттирдик. Афсуски, “Хоразм



тарихига оид Эрондаги манбалар” номли ҳаммуаллифликдаги монографиямиз нашри, айнан меним турли ишлар билан оворалигим боис кечикиб кетди ва ўйлайманки, яқин орада буни ҳам чоп эттиришга эришамиз.

...Жамиятда кечаётган турли соҳалардаги ўзгаришлар, имкониятлар боис домла 2022 йилда Урганч инновацион университетини ташкил этишни мақсад қилиб, астойдил ҳаракатга киришди. Унинг бу йўлда не бир қийинчиликларга учраб, тинмай турли ташкилотларга қатнаганидан хабарим бор. Ниҳоят заҳматлар, машаққатлар ортда қолиб, мазкур университетни очишга эришди ва бу даргоҳ ҳозирда олий таълимдаги рақобат ҳолатида юксалишда давом этмоқда.

Бугунги кунда Урганч инновацион университети ректори, филология фанлари номзоди, доцент Мадамин Эшмуродов филология, тарих йўналишларидаги илмий тадқиқотларини давом эттирмоқда. Раҳбарлик фаолиятини илмий иш билан бирга давом эттириш осон эмаслигига қарамай, устознинг интилишлари бугун ўз самарасини бермоқда.

Ҳаёт долғалари, умр синовлари тақдир аталмиш масофани тезлаштирмоқда ва вақт оқими тезда ўтиб

бормоқда. Талабаликда бизга сабоқ берган устозимиз мана бугун 60 ёшга кирибдилар. Мен домлага соғу омонлик, хонадонига ризку барака тилаб қоламан ва раҳбарлик қилаётган олийгоҳининг нуфузи ошиб бораверишини тилаб қоламан.

Умид Бекмуҳаммад,
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Дўстлик” ордени соҳиби.*



ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ УСТОЗ

Қадрли устоз, шарқшунос олим Мадамин Жумабоевич ҳақида сўзимнинг ибтидосида мен бир суҳбатимизни эслаб ўтишни жоиз деб билдим.

2021 йил март ойлари эди, чамамда. Устозимиз Мадамин Жумабаевич билан Гурланга бир кичик сафаримиз чиқиб қолди. Йўлда кетаётиб анча мароқли суҳбатлашдик. Суҳбат чоғида устозимиз менга битта таклиф билан мурожаат қилдилар. “Шогирд (устоз ўз нутқида ушбу жумла билан менга жуда кўп мурожаат қиладилар) Хоразмда бир Олий даргоҳ ташкил қилсак, шунга сен ҳам ҳужжат ишларига ёрдам қилсанг”, – деб қолдилар. Бу таклифни эшитганим заҳоти дарҳол менинг хаёлимда биринчи навбатда жадид намояндалари гавдаланди. Гўёки биз устоз билан шу улуғ жадидлар ишини давом қилдириб, бу ишни амалга ошира олсак тарихда номимиз қолар, худди бир кун келиб, жадидларни эслагандай бизларни ҳам келгуси авлод эслар, деган ўй пайдо бўлди.

Кейинчалик биз устоз билан биргаликда, ҳамжиҳатликда ишга киришдик. Биргаликда Урганч шаҳрида жойлашган бинони бориб кўрдик. Қарасак,

бинода кўп вақтдан буён иш жараёнлари кечмаган аянчли аҳволда эди. Қарабсизки, кўп ўтмай иш жараёнлари қизғин бошланиб кетди. Устоз ва дўстларимиз кўшқанот бўлиб бизга эргашдилар. Иш жараёнлари қизигандан қизиб, мутассил равишда давом қилаверди. Вақт ўтиб бу иморат иш фаолиятини янги бошлаган бинодек таъмирдан чиқди.

Ҳақиқатдан ҳам ушбу даврларда устоз билан ҳар қандай қийинчиликларга сабр ва бардош билан фаолиятимизни давом қилдирдик.

Машаққатли меҳнатимизнинг самараси ўлароқ, яхши инсонларнинг кўмаги билан Урганч инновацион университетига 2022 йил 4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан лицензия тақдим қилинди. Эеех! Шу кунларга еткунга қадар устоз билан бошимиздан қандай кунлар ўтмади дейсиз?! Мана ҳозирги кунда ушбу Олий даргоҳга раҳбар сифатида Мадамин Жумабаевич устозимиз бош-қош бўлиб келмоқда.

Инсон умри гўёки оқар сувдай ҳаш-паш дегунча ўтади-кетади. “Одамзод ёши улғайган сайин кекса чинорга ўхшаб бораркан. Сояси бир неча қадам жойни эгаллаган чинор ҳам қанчадан -қанча одамга хизмат қилади. Энди



инсонлар орасида шундай “кекса чинор”лар борки, улар сирасига, даставвал, мактабда илк бор қўлларимизга қалам тутқазиб, “она” деган сўзни ёздирган устоз-муаллимларни келтириш – бу тарихий ҳақиқатларнинг энг улуғидир. Инсон ҳаётида йўл кўрсатувчи устозларимизнинг ҳам атрофи шу чинор янглиғ яхшилар билан тўла бўлади”, – дейди устозларимиздан бири.

Ёшлик пайтларида инсоннинг орзуси жуда кўп бўларкан. Аммо бу орзу-умидларни рўёбга чиқариш, албатта, осон кечмайди, бунинг учун сени авайлаб-асрайдиган, қўлингдан тутиб истиқбол сари етаклайдиган дарға керак. Биз ҳам илк Олий ўқув юртига киргач, илм-фан сари интилишни, унинг машаққатли чўққиларини эгаллашни орзу қилардик. Бу борада устозимиз ҳам биз каби шогирдларга дарғалик қила олди. Биргина мени эмас, бир қанча шогирдларни илм уммони, ҳаёт варақлари сари етаклади, йўл-йўриқ кўрсатди. “Ёнингдан оққан сувни кадри йўқ”, – дейди доно халқимиз. Баъзан ўйлаб қоламан, мободо, ёнгинамизда шу камтарин инсон бўлмаганида, устоз шогирдлари илм йўлини танламасдан бошқа касб эгалари бўлиб кетган бўлармиди деб. Омадимиз келиб, ишимиз ўнгланармиди ёки йўқ.

Мана қарабсизки, йиллар ўтиб, ҳозирда устоз Мадамин Жумабаевич 60 ёшни қаршилаётирлар. У ҳамиша биз билан бирга одим ташламоқда, ҳалигача, йўл-йўрик кўрсатиб, ишларимиз ривожидан мамнун бўлиб келмоқда. Бу – биз шогирдлар учун катта бахтдир десак, адашмаган бўламиз!

Жамоамизда ўзининг серқирра ва шарафли ҳаёт йўли билан Урганч инновацион университетининг шаклланиши, ривожланиши, бугунги ўрнига эга бўлишида катта ҳисса қўшган олимларимиз билан бир сафда фаолият олиб бораётганликлари қувонтиради. Ана шундай инсонлардан замонавий ўзбек тилшунослигининг етакчи вакилларидан бири филология фанлари номзоди, шарқшунос олим устоз Мадамин Жумабаевич бугун умрининг яна бир улуғ айёми арафасида. Уларнинг доимо табассум изҳор этиб турувчи нуроний чехраси, жўшқин юраги ва хассос қалбидан йигитларга хос шижоат уфуриб туради.

Олтмиш ёш – инсон умрининг айни ёз, яъни пишиқчилик фасли саналар экан. Ушбу сермаҳсул фасл ҳамиша яшнаб турсин ва ундан баҳрамандлик биз каби шогирдларни ҳам тарк этмасин, албатта!

Мана, бугунги кунда устоз ҳаёт йўлларида садоқатли турмуш ўртоғи, салоҳият ва иқтидор соҳибаси бўлган



Дармонжон опа билан турмушнинг барча аччиқ -чучук лаҳзаларини бирга бошдан кечириб, элда эътиборли бўлиб, катта оиланинг пиру бадавлат отахони ва онахонига айландилар. Солиҳ фарзандлари Фарруҳбек, Бекзодбек, ҳамда Дилдорахонлар ўша бунёд этилган боғ-у бўстоннинг ширин мевалари, оқила ва муҳиба келинлари ўша гулистоннинг фарахбахш гулларидирлар. Бири-бирдан ширин набираларининг ушбу сўлмас бўстон ва гулистоннинг сайроқи кушларига қиёслагим келади.

Устоз Мадамин Жумабаевичнинг ўтмиш тарихига бир назар солмасдан ҳеч иложимиз йўқ, албатта. Устоз ўша пайтларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Хоразм вилояти бўлимида, Хоразм Маъмун академиясида ҳамда Урганч давлат университетининг “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида шарқшунос олим сифатида ёш авлодга шарқ тилларидан сабоқ бериб келгани олимнинг самарали ва серқирра фаолиятининг яққол исботидир.

Ўзбек тилшунослигида, қолаверса, шарқ халқларининг тилини ўзбек ёш китобхонларига ўргатишда устоз Мадамин Жумабаевичнинг илмий мактаби шаклланганлиги алоҳида эътироф этилади. Ҳар қандай илмий фаолият мактаб яратиш учун асос бўлмаслиги, ҳар

бир мактабнинг ўзига хос тамойил ва йўналишлари белгиланиши, энг муҳими, умумеътирофга сазовор бўлиш лозимлиги мактаб яратиш катта меҳнатлар эвазига келган катта шараф эканини кўрсатади. Ушбу мактаб вакиллари Републикамизнинг турли гўшаларида, таълимнинг турли босқичларида учратиш мумкин. Мен ёшлиқдан таниб-танилиб, хурмат қилган аллома ва зукко инсон, миллий маънавиятимизнинг жонкуяри, шарқшунос олим устоз Мадамин Жумабаевични қутлуғ сана билан яна бир бора қутлаб, оилавий бахт, илмий-педагогик фаолиятида яна-да жўшқинлик, самарадорлик тилаб қоламан!

Зеро, донишманд шоир Матназар Абдулҳаким айтганидек: “Ҳамма йўллар бир манзилга – одамлар кўнглига олиб боради”. Ана шу йўлнинг яна-да чароғон ва тароватли бўлишида Сизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат тилайман!

Таваллудингиз муборак бўлсин, қадрдон устоз,
Мадамин Жумабаевич!

Мансурбек Машарипов,

*Урганч инновацион университети проректори,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*



ДИЁНАТЛИ УСТОЗ, МУКАММАЛ ИЛМ СОҲИБИ

Илм кишилари ҳақида гап кетганда, уларни икки жиҳат фарқлаб туради: биринчиси, шон-шуҳрат, обрў учун саъй-ҳаракат қилувчилар; иккинчиси, ўз ишидан завқ олиб, эл-юрт манфаатларини устун кўювчилар. Мадамин Эшмуродовни ҳеч иккиланмасдан, иккинчи тоифага киритиш мумкин. Зеро, у кўп йиллик фаолияти давомида ҳеч қандай тўсиқ-муаммолардан кўркмади, ҳар қандай шароитда ҳам илм излаш, тилимиз бойлигига ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Мадамин Эшмуродов Урганч инновацион университети НТМ асосчиси, шунингдек, университет “Инновация ва тараққиёт” илмий-методик журналининг бош муҳаррири ва ташкилотчиси ҳамдир.

Устознинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, илм йўлида чинакам фан фидойиси, муносиб ирода соҳиби эканлигини, тилшунослик соҳасида улкан натижаларга эришганлигини кўраемиз. Олим илмий фаолиятининг салмоқли қисми Хоразм тарихига оид

манбалар тадқиқига бағишланган. Жумладан, 2002-йили — “Авесто”да мифологик қатлам мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бундан ташқари, олим қаламига мансуб “Авесто”да табиат култлари талқини (2002), X-XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида (2006), Хоразм тарихчилари: Утамиш Хожи, Абулғозий, Мунис (2010), Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи (2011), Кўҳна ва янги Вазир (2020), Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик (2023), Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили ва тарихнавислик (2023), Шарққа талпинган шарқшунослар (2023), каби асарлар мутахассисларгагина эмас, халқимиз тили, тарихи, маданияти билан қизиқувчи китобхонларга ҳам яхши таниш. Бугунга қадар устознинг юзга яқин илмий мақолалари чет элнинг нуфузли журналларида нашр қилинган. Шунга қарамасдан, забардаст олим доимо изланишда бўлиб, муносиб шогирдларни тарбиялаш билан бирга уларни ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари тадқиқига йўналтиришга алоҳида эътибор қаратиб



келмокда. Ҳозирда устоз “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида.

Муҳтарам устозимиз бугун қутлуғ 60 ёшни қаршиляптилар. Ана шу давр мобайнида узтоз эл севган устоз унвонига сазовор бўлдилар. Устозни ана шу шараф ва саодат унвони билан муборақбод этаман! Биз устозга янги-янги мукамал тадқиқотлар яратишда омад, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бардамлик тилаймиз! Шогирдлар камоли ва эҳтиромини кўриш Сизга насиб этаверсин, қадрли устоз!

Баҳодир САТИМОВ,

*Урганч инновацион университети
“Ижтимоий гуманитар фанлар ва
педагогика факультети” декани.*

ИЛМДА ВА АМАЛДА ЎРНАК УСТОЗ

Ҳар бир соҳада эзгу амаллари билан ўзгалар ҳурматига, эътиборига эришган инсонлар бўлади. Устоз Мадамин Эшмуродов ҳам ўзининг меҳнаткашлиги, илми билан барчамизга ўрнак бўлиб келмоқда. Домлани 1994 йиллардан бери танийман. Ўша йилларда университетнинг биринчи курсида ўқиётган кунларимизда домла бизга дарсга кирганлар. Ўшанда домланинг форс тилини мукамал билишини кўриб ҳайратда қолганмиз. Домла жуда ҳам камгап эдилар. Мана, ўшандан бери ўттиз йил вақт ўтди. Кейинчалик ҳам устознинг эришган ютуқларини кўриб, унга ҳурматимиз чексиз бўлиб шаклланди. Устоз Мадамин Жумабоевич отасидан анча ёшлик пайтларида айрилганлар. Бироқ ўзининг сабру-тоқати, шукроналиги, меҳнаткашлиги туфайли мана бугун ҳаётининг саодатли кунларига етиб келди.

Мадамин Жумабоевичнинг филология соҳасига қизиқиши ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида бошланган бўлиб, Гурлан туман газетасида ўзининг



шеърлари, ҳикоялари, кичик-кичик оммабоп мақолалари билан мунтазам қатнашиб келган. Ўрта мактабни маваффақиятли тугатгач, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Шарқшунослик факультетига ўқишга кириб, 1989 йили битказган. Араб-форс тиллари бўйича мутахассис. Олий даргоҳда академик Азиз Пўлатович Қаюмов, машхур шарқшунос, Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Шоислом Шомуҳамедов кўлида таҳсил олган. У таниқли манбашунос, тарихчи олим Мирсодиқ Исҳоковнинг шогирди. 1988 йилда Афғонистонда таржимон вазифасида ишлаган.

Домла 2002 йилда “Авесто”да мифологик қатлам” мавзусида 10.00.08 – фольклоршунослик ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини химоя қилган. Шу туфайли у фольклоршунос устозларимиз қаторидан жой олди. Мадамин Эшмуродов ҳозирда “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини химоя қилиш

арафасида. Урганч инновацион университети Нодавлат таълим муассасаси асосчиси ва университетнинг “Инновация ва тараққиёт” илмий-методик журналининг бош муҳаррири ва ташкилотчиси.

Устоз Мадамин Жумабоевич 2011 йилда ўзининг “Авесто”да табиат кулътлари талқини” ҳамда “Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи” монографияларидан 100 тасини ва электрон вариантини Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказига тақдим қилди. Ўшанда Ахборот-ресурс марказини электронлаштириш жараёни кетаётган эди. Домла юздан ортиқ монография, илмий рисола, илмий ва оммабоп нашрлар ва мақолалар муаллифи бўлиб, ҳозирги кунда ҳам тинмай изланишлар олиб бормоқда.

Ҳукуматимизнинг хусусий нодавлат таълим муассасалари очишга қаратилган тегишли қарори чиққанида домла ўзининг мақсадларидан яна бири амалга ошишига имкон туғилганидан қувонган эди. Мана, натижада нодавлат таълим муассасаси очилди.



Бу ниҳоятда катта эзгу ишлардан бири, десак муболаға бўлмайди. Чунки мазкур таълим муасасасида минглаб ёшларимиз таҳсил олишмоқда.

Устоз Мадамин Жумабоевич билан диссертация ишимизнинг ҳимоя жараёнларини бир вақтда бошлаганмиз. Ўшанда Тошкент шаҳрига биргаликда катнаганмиз. Ҳозиргидек эсимда. Мен ҳар сафар марказга борганимда турар жой масаласида қийналганман. Академшаҳарчадаги “Аспирантлар уйи” ҳам аксига олиб тўлиб кетар эди. Домла билан борган бир сафаримизда у ўз дўстларига телефон қилиб турар жой масаласини ҳал қилди. Қайтаётганида ўша жойнинг эгасига диссертациямни ҳимоя қилгунимча шу ерда туришимни таъкидлади ва мен токи ҳимояга қадар шу уйда яшадим.

Докторлик диссертациямнинг ҳимоясида устоз иштирок этганлар ва ўша вақтда профессорлар Дармоной Ўраева, Исломжон Ёқубов, Тозагул Матёқубова, Иқболой Болтаева, Дилшод Ражабовлар билан биргаликда менга далда бериб, ёнимда камарбаста бўлиб турганлар. Устознинг бу каби эзгу

ишларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Ўшанда тўксон икки яшар бобом билан гурунглари олишиб кетган ва ҳозиргача бир-бирларига салом айтиб, сўраб туришади. Устознинг олмиш ёшга тўлганлигини айтганимда бобом қувониб, тилак билдириб, дуо қилдилар.

Устознинг фарзандлари ҳам бугун эл хизматида камарбаста.

Мана, бугунги кунда олтмиш ёшини қаршилаётган кунларида устоз Мадамин Жумабоевичга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Устоз, сизга Гўрўғлининг ёшини берсин. Ўзингиз бош бўлиб, неварачевараларнинг ҳам бахтини кўриб юринг. Оилангиз, шогирдлар ва дўстубиродарларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг. Барча ниятларингизга етиб, доимо эл ардоғида юришингизга тилакдошман.

Санъатжон Сариев,

*Урганч давлат университети
Ўзбек филологияси факультети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори,
филология фанлари доктори (DSc)*



МАНБАЛАР ҚАТИДАН ДУР ТОПГАН ИНСОН

Устоз... Илм-маърифат деб аталмиш серҳосил боғнинг боғбони бўлмиш бу табаррук зот ҳақида гапирганда юрагимиз беихтиёр тўлқинланади, борлигимиз ёришади. Устоз мақоми ғоятда улуғ, унинг инсон камолоти йўлидаги ўрни бекиёсдир. Домламиз Эшмуродов Мадамин Жумабоевич ана шундай юксак шарафга муносиб устоздир.

Талабалик пайтимизда бизга дарсга кирувчи домлалар орасида Мадамин домла нафақат ўз соҳасининг етук билимдони, балки одамийлик илмини чуқур эгаллаган инсон сифатида қалбимиздан ўрин эгаллаган эди.

Устоз илмий изланишларининг асосини шарқ халқлари адабиёти, қадимий манбалар тадқиқи ташкил қилади. Чунки улар манбашунослик ва шарқшунослик илмига болалиқдан алоҳида меҳр қўйганлар. 1982 йили Тошкент давлат университети (Ҳозирги ЎзМУ) Шарқшунослик факультетига ўқишга кириб, уни 1989 йилда муваффақиятли тамомлаган. 1988 йил собиқ

Иттифоқнинг Афғонистон Республикаси Мозори-Шариф шаҳридаги консулхонасида таржимон вазифасида ишлаган. 1989 – 1991 йилларда ЎзФА қошидаги Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида кичик илмий ходим вазифасида ишлаган. 1991 йилдан 2022 йилгача Урганч давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, декан муовини, факултет декани лавозимларида самарали иш фаолиятини олиб борган.

Эшмуродов Мадамин Жумабоевич форс, араб тиллари бўйича етук мутахассис. 2002 йилда “Авесто”да мифологик қатлам” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Ҳозирда “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий иш олиб бормоқда. Устоз муаллифлигида “Авесто”да табиат културлари талқини”(2002), “Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи” (2011), ҳаммуаллифликда “Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили ва тарихнавислик” (2023), “Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик”



(2023), “Шарққа талпинган шарқшунослар” (2023) номли монографиялари нашр қилинган, 3 та рисола, 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

Эшмуродов Мадамин Жумабоевич 2021 йил февраль ойида нодавлат олий таълим муассасасини ташкил этиш мақсадида “Ёш шарқшунослар” МСХЖини ташкил қилди. 2022 йил июль ойида “Ёш шарқшунослар” МСХЖи “Урганч инновацион университети” нодавлат таълим муассасасига айлантирилди. 2022 йил 4 ноябрда “Урганч инновацион университети” нодавлат олий таълим муассасасига асос солинди ҳамда Эшмуродов Мадамин Жумабоевич 2022 йил 14 ноябрдаги таъсисчилар йиғилиш қарорига кўра “Урганч инновацион университети” нодавлат таълим муассасаси ректори этиб тайинланди.

Бугунги кунда нодавлат таълим муассасасида Бошланғич таълим методикаси, Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича), Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили, инглиз тили) йўналишлари мавжуд бўлиб,

хозирги кунда 3000 (уч минг) дан ортиқ талабалар таҳсил олмоқдалар.

Эшмуродов Мадамин Жумабоевич чинакам маънода жонкуяр ва фидойи устоз, етук манбашунос ва шарқшунос, камтар ва самимий инсон сифатида алоҳида эътибор ва эътирофга муносибдир.

Бугун муборак 60 ёшни қаршилаётган азиз устозимизни ушбу қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман. Устоз, узоқ яшанг, биз шогирдлар, илм аҳли бахтига маърифат дурларини териб чарчаманг. Узоқ йиллар ёш авлодни, билимга ташна қалбларни илм уммонингиздан баҳраманд қилишда Сизга куч-қувват тилайман!

Нурбек Матякубов,

*Урганч инновацион университети проректори,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*



ШУКРОНАГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Умрнинг шундай палласи бўладики, бу даврда ўз қўлларинг, қалб қўринг, беҳаловат тунларинг, беором кунларинг эвазига етиштирган боғингнинг кўркамлигига боқиб, босиб ўтилган ҳаёт йўллари бесамар кетмаганлигидан қалбинг равшан тортади. Эришилган ютуқлар Яратганнинг неъматлари ўлароқ руҳингга миннатдорлик туйғусини бағишлайди - ҳаётингдан, устозларингдан, яқинларингдан, ўзингдан миннатдорлик туйғуси...

Бугун умрининг 60 нчи баҳорини қаршилаётган фидойи устоз, жонкуяр раҳбар, филология фанлари номзоди, доцент Эшмуродов Мадамин Жумабоевич мана шундай фараҳбахш онларни кўнглидан ўтказаётган бўлсалар, не ажаб. Зотан, бу жуда катта бахтдир аслида!

Маълумки, ўз туғилиб ўсган юртига бўлган муҳаббат туйғуси ижод ва илм аҳлининг айтар сўзида, асарларида уфуриб туради, улар ижодининг бош мавзусига айланади. Шу жиҳатдан, Мадамин

Жумабоевичнинг илмий фаолиятида ҳам ўзи туғилиб ўсган тупроққа бўлган катта меҳр ифодаланган. Унинг яратган монография ва рисолаларида Хоразмга бўлган юксак муҳаббатни кўраман. “Авесто”да табиат культлари талқини”, “Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи”, “Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик”, “Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили”, “X-XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида”, “Хоразм тарихчилари: Ўтамиш Ҳожи, Абулғозий, Мунис” сингари илмий тадқиқотлар шу заминда туғилиб, унинг бағрида камолга етган, ўз ҳаётини илм-фан йўлига бағишлаган фарзанднинг юртга улкан меҳри сифатида намоён бўлади. Кўхна Хоразмнинг илдизларидан қувват олиб, унинг ўрганилмаган қирраларини қаламга олиш жараёнида бу муҳаббатнинг умрбоқийлиги мужассамдир. “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик ишида ҳам бу эҳтиромнинг гўзал манзарасини ҳис қилдим.

Мадамин Жумабоевич бугунги кунда Урганч инновацион университети ректори сифатида



мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, юртимизга етук кадрларни етказиб бериш йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда. У таълим даргоҳининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимга инновацион технологияларни тадбиқ қилиш, таълим сифатини ошириш, профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш борасида янгиликка интилувчан фидойи раҳбар, моҳир ташкилотчидир. Талаба-ёшлар билан ўтказиладиган суҳбатларда, турли тадбирларда улар маънавиятини юксалтиришда, ўз танлаган касбларига меҳр ва садоқат туйғуларини камол топтиришда устознинг катта ҳаётий тажрибаси ибрат намунасидир.

Илмга садоқат, юртга муҳаббат, аҳлига, ҳамкасбларига ғамхўрлик ва жонкуярлик билан кечирилаётган умр, албатта, инсонга миннатдорлик, шукроналик туйғусини бағишлайди. Туйғуки, умрнинг беҳудага сарф бўлмаганлигидан, илмга хизмат этиш буюрилганидан, элга зиё тарқатиш тақдири битилганидан мамнунлик туйғуси!

Ҳурматли устоз Мадамин Жумабоевич!

60 ёшингиз муборак бўлсин! Эл ардоғида бўлиш, фарзандлар, шогирдлар камолини, қувончини кўриб яшаш бахти Сизга ҳамиша ошно бўлсин! Илмий ишларингизда Сизга куч-қувват ҳамда юксак парвозлар тилайман!

Сайёра Самандарова,
*Урганч инновацион университети “Ижтимоий гуманитар фанлар ва тиллар” кафедраси доценти,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳибаси.*



УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

*Тақдирни қўл билан яратур инсон,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.*

Ғафур Ғулом

Устоз Мадамин Эшмуродов ҳақида ёзишдан олдин, ҳар бир инсон бу дунёга келар экан, ким бўлиши ва қандай яшашига ўзи ҳам маълум маънода сабабчи бўлиши мумкинлигини таъкидламоқчиман. Чунки, устоз ёзган китобларни varaқлар эканман, илм эгаллаш қанчалик машаққат ва матонат талаб қилишига яна бир бор амин бўлдим. Айнан ўзимиз яшаб турган воҳа тарихини ўрганиш ҳар бир хоразмликнинг бурчи ва вазифаси бўлиши кераклигига ишонч ҳосил қилдим. Филология фанлари номзоди, доцент Мадамин Эшмуродов қаламига мансуб асарлар мутолааси орқали Хоразмнинг тарихига бир муддат қайтгандай бўлдим ва кўз ўнгимда шонли тарихимиз гавдаланди. Нега деганда, XIV – XVIII асрлардаги Хоразм тарихига оид манбаларнинг ўрганилиши, Россия тарихшунослигидаги Хоразмга оид манбаларнинг

тахлил қилиниши, XIX асрда Хива хонлигида кечган жараёнларга оид адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилиб берилиши, айниқса, россиялик тарихшуносларнинг ва З.Вамбери асарларининг Хоразм тарихини ўрганишдаги аҳамияти, шу билан бирга, Мунис, Хоразмий, Баёний, Камёб асарларининг Хоразм тарихини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этишини, бу борада эса Хоразм тарихига оид Эрон манбаларининг чуқур ўрганилиши олимдан жуда катта машаққат талаб қилганини ҳис қилиш қийин эмас. Бу қилинган саъй-ҳаракатлар, албатта, игна билан кудук қазиш билан баробардир. Айниқса, Хива хонининг ва хоразмликларнинг айрим расм-русумларини ўқиб, Хоразм халқини жуда катта тарихий, маданий меросга бой халқ эканлигидан фахрландим.

Шу ўринда устоз қаламига мансуб асарларни келтириб ўтсам:

1. “Авесто”да табиат культлари талқини. Монография. - Т.: Низомий номидаги ТошДУ нашриёти. 2002-йил



2. Хоразм манбаларида давлатчилик тарихи. Монография. - Т.: “Фан ва технология” .2011-йил
3. Хоразм тарихидаги жараёнлар ва тарихнавислик. Монография. “Дурдона” нашриёти. Бухоро – 2023-йил. Умид Бекмуҳаммад ҳаммуаллифлигида.
4. Хоразм тарихига оид манбалар таҳлили ва тарихнавислик . Монография. “Дурдона” нашириёти. Бухоро-2023-йил. Умидбек Бекмуҳаммад ҳаммуаллифлигида.
5. Шарққа талпинган шарқшунослар. Монография “Дурдона” нашириёти. Бухоро 2023.9,5 бт. Умид Бекмуҳаммад ҳаммуаллифлигида.
6. X – XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида. Рисола. УрДУ ноширлик бўлими. Урганч – 2006. Исроил Элмурадов ҳаммуаллифлигида.
8. Хоразм тарихчилари: Ўтамиш Ҳожи, Абулғозий, Мунис. Рисола. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2010-йил.

9. Кўхна ва янги Вазир. Рисола. Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими. Хива – 2020. Умид Бекмуҳаммад ҳаммуаллифлигида.

Ҳар бир инсонда ўзи туғилиб ўсган макон билан ғурурланиш ва фахрланиш ҳисси бўлади. Айнан “Кўхна ва Янги Вазир” рисоласида устоз ўзи туғилиб ўсган юртига бўлган муҳаббатини намоён этган. Шу қишлоқдан етишиб чиққан ва элга танилган инсонлар ҳақида тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилиб, элдошларига жуда катта мотивация бера олган.

Мадамин Эшмуродов 100 га яқин илмий мақолалар муаллифидир. Шулардан 20 таси чет элнинг нуфузли журналларида нашр қилинган.

Мадамин Эшмуродов Урганч инновацион университети ректори, камтар, қатъиятли ва ишбилармон раҳбар сифатида таълим масканининг халқаро миқёсда ном қозониши йўлида янги ташаббус ва ғоялар ижодкори сифатида фаолият олиб бормоқда. Бугунги шукуҳли онларда устозимизга узок умр, соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик, фарзандлар камолини кўришлик ва шогирдлар ардоғида бўлишлик



насиб қилишини, умр дафтаридаги эзгу ишлари кўпайишини ва эл ичида эъзозда юриш насиб қилишини Яратгандан сўраб қоламан.

Чаросхон Сабирова,
Урганч инновацион университети “Педагогика
ва бошланғич таълим методикаси” кафедраси
мудури, педагогика фанлари фалсафа доктори,
доцент

УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒ ЗОТ

Қадим шарқ халқларида устоз, мураббий, муаллим номлари билан аталувчи зотларнинг мавқеи, иззат-хурмати ҳамиша юқори бўлган. Инсон ўзини таний бошлаган давридан ўз устозларига суянади, улардан маънавий қудрат олади. Шу боис унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдиришда заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғусини асраб-авайлайди.

Ўзининг қутлуғ 60 ёшини қарши олаётган Урганч инновацион университети ректори, филология фанлари номзоди, доцент Мадамин Эшмуродов мен учун ана шундай қадрли устоздир. Мен устоз билан илк бора 2020 йилнинг августида танишганман. Биз биргаликда Хоразм Маъмун академиясига ишга қабул қилинганмиз. Ўшанда уларнинг жуда камтарин, шогирдпарвар устоз эканликларини кўриб, шундай инсонга мени рўбарў этган тақдиримдан миннатдор бўлганман. Урганчдан Хивага қатнаб ишлашимизга тўғри келганлиги сабабли устоз мени ҳам ҳар куни ўз машиналарида олиб кетардилар. Дастлаб уларнинг салобати босиб, ўзимни бироз четга олиб юрдим,



чунки илм оламига эндигина кириб келаётган мендай бир ёш йигитнинг обрў-эътиборли устоз билан бирга, унинг устига уларнинг машиналарида ҳар куни ишга қатнашдан жуда хижолат бўлдим. Буни дарров пайқаган устоз менинг ўйланишимга ҳам йўл қўймадилар. “Тортинма, мен ҳам сендай ёш пайтимда устозларнинг ёнида юриб, ҳаёт сабоғини олганман”, дедилар. Шундан сўнг биз ишга бирга катнайдиган бўлдик. Устознинг ширин суҳбатлари, ҳаётий тажрибалари асосидаги панд-насихатларини тинглаб, ишга қандай етиб борганимни ҳам сезмай қолардим. Ҳар куни суҳбатларимиз турли йўсинда бўларди - отадан эрта айрилиб, чеккан изтироблари... 10 нафар фарзанди билан бева қолган волидаи муҳтарамасининг машаққатли ҳаёт йўли... мактаб даври билан боғлиқ хотиралари... талабалик йиллари... илмий изланишлар йўлидаги заҳматли йиллари... Айниқса, Афғонистонда кечган таҳликали кунлари... Буларнинг барини тинглаб, мен ўзимни гўёки бир китоб ўқиётгандай ҳис қилардим. У шундай мазмунли, кишини ўзига оҳанрабодай тортадиган китоб эдики, унинг ҳар бир саҳифасида катта қалб эгасининг жасорати, матонати, сабр-бардоши, ўз касбига, она юртига муҳаббати намоён бўларди. Бу китобнинг бош қаҳрамони -Мадамин Эшмуродов эди. Уларнинг қўлёзма манбалар устида иш

олиб бориш жараёни билан боғлиқ хотиралари эса мени илмнинг сеҳрли оламига ошно этди.

Омадимни қарангки, бугун устоз раҳбарлик қилаётган университетда “Ижтимоий-гуманитар фанлар ва тиллар” кафедраси мудирининг лавозимида меҳнат қилмоқдаман. Ҳар куни эрталаб ишга йўл олар эканман, устоз билан бирга бир жамоада, улар билан елкама-елка туриб ишлаш менга билдирилган жуда катта ишонч эканлигини юрак-юрагимдан ҳис қиламан. Бу эса менга жуда катта масъулият юклайди. Шу билан бирга, университетимизнинг илмий салоҳиятини кўтариш, талабаларга сифатли таълим бериш жараёнини ташкил этишга ўз ҳиссамни қўшаётганим менга жуда катта ғурур бағишлайди. Устознинг самимийлиги, камтаринлиги, ходимларига нисбатан меҳрибон ва ғамхўрлиги жамоамизда меҳнат қилаётган ҳар бир ҳамкасбимга ғайрат-шижоат бағишлайди.

Бугунги кунда Урганч давлат университети профессори У. Абдуллаев раҳбарлигида олиб бораётган “Қадимги даврда Қуйи Амударёнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти” мавзuidaги тадқиқот ишларимда устознинг босиб ўтган ҳаёт йўли мен учун чин маънода ибрат мактабидир.



Мен бугунги қутлуғ айём кунларида ўзим ҳамда кафедрамизнинг барча профессор-ўқитувчилари номидан устоз Мадамин Эшмуродовни муборак 60 ёшлари билан табриклайман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, баракали умр, университетимиз нуфузини кўтариш йўлида олиб бораётган кенг кўламли ишларига улкан зафарлар тилайман.

*Умрбек Маҳмудов,
Урганч инновацион университети
“Ижтимоий-гуманитар фанлар ва тиллар”
кафедраси мудири.*

ЎЗБЕК АВЕСТОШУНОСЛИГИДА БИРИНЧИ ДИССЕРТАНТ

Хоразм Давлат педагогика институтида энди иш бошлаган пайтларим эди. 1991 йилнинг ёзида “Қабул комиссияси” га ҳужжат қабул қилувчи ходим сифатида ишда қолдиришди. Мен қатори янги ишга келганлар орасида Мадамин исмли бир мўйлов қўйган хушсуврат, жуда камгап йигит ҳам бор эди. Фақат ўзининг ишини биладиган, жуда кам учрайдиган характер эгаси эди.

Гурланнинг Вазир қишлоғидан бўлган бу йигит форс тили ўқитувчиси эди. Бизнинг мутахассислигимиз бир бўлганлиги боис Мадамин билан дарров тил топишиб, минг йиллик кадрдонлардай бўлиб қолдик. У араб тилини ҳам яхши биларди.

Қабул жараёни тугаб, дарслар бошланиб кетди. Мен эски ўзбек ёзувидан, Мадамин форс тилидан дарс берамиз. У форс адабиётини аслидан ўқий олгани учун мен уни ўзимдан устун қўярдим.

Ҳа... форс тили бўйича институтда Абдулла Аҳмедов устозимиз (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган



бўлсин) ягона шарқшунос олим эди. Мен ва Мадамин унинг шогирдлари сифатида иш бошладик.

Мадамин Тошкент Давлат университетининг Шарқ тиллари факультетини тамомлаб, бир муддат Афғонистон элчихонасида ишлаган.

Баъзан ўзимиз ёлғиз қолган пайтимизда хаёлимиз беихтиёр олис ота ҳовлимизга кетарди. Мадамин отасини эрта йўқотганини армон билан эсларди. У ўн ёшида (1974 йил) отаси Жумабой ота фожиали автоҳалокатдан вафот этганини ва онаси Розия опа ўн бола билан қолганини изтироб билан сўзларди.

Мадамин Эшмуродовнинг 7-синфдан бошлаб Гурлан район газетаси ва “Хоразм ҳақиқати” вилоят газеталарида кичик хабар ва мақолалари эълон қилина бошланди.

Мактабни тугатгач, ўқишга бўлган иштиёқ уни Тошкент сари чорлади.

Талабаликнинг 2-босқичида Мадамин Эшмуродов Совет Армиясига ҳарбий хизматга

чақирилиб, Ҳарбий ҳаво кучлари десантлари қаторида ҳақиқий йигитлик бурчини ўтади.

1986 йилда бир гуруҳ талабаларни Москвага олиб бориб, махсус синов ва тайёргарликдан ўтказишиб, Афғонистонга таржимон сифатида жўнатишади. Мадамин Эшмуродов таржимон ҳарбий кадр сифатида Мозори Шарифдаги Совет консулхонасида ишлайди. 1988 йил охирида Ўзбекистонга “За отвагу” медали билан қайтиб, талабаликни давом эттиради.

1989 йилда ўқишни “аъло” баҳоларга тамомлаб, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтига илмий ходим қилиб ишга олинади.

Буни қарангки, ёшгина, эндигина институтни тамомлаган Мадамин Эшмуродовни академик Азиз Қаюмов илмий ходим қилиб тайинлайди. М.Эшмуродов бир кабинетда Фозила Сулаймонова (академик, шарқшунос Ҳамид Сулаймоновнинг умр йўлдоши) билан биргаликда илм билан – қўлёзма манбалар билан танишиб, тадқиқат ишлари билан шуғулланиш бахтига муяссар бўлган.



Бир йил давомида М.Эшмуродов кўплаб нодир қўлёзмалар билан танишади. Ҳатто “Шоҳнома”нинг асл нусхаларини қўлига олиб кўришга мушарраф бўллади. Бу ердаги нодир қўлёзмалар хазинаси ёш, илмга чанқоқ М.Эшмуродовни илмий изланишлар олиб боришга илҳомлантиради. Ёш олимнинг қалбида ҳали ўрганилмаган “Авесто”нинг тадқиқи билан шуғулланиш истаги уйғонади.

1991 йилда у оилавий шароит тақозоси сабабли Хоразмга қайтади ва Хоразм давлат педагогика институтининг филология факультетига форс тили ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинади.

“Авесто” китоби совет даврида фақат фан учун ўрганилиб, оммага эълон қилинмаган эди. Мустақилликдан кейин ўзбек олимлари - тарихчилар, филологлар “Авесто”ни жиддий тадқиқ қилиш учун уни, аввало, ўзбек тилига таржима қилиб, кейин у бўйича илмий изланишларни бошлаб юбордилар.

Мадамин Эшмуродов ҳам шу жараёнга ўзининг ҳиссасини қўшиб, “Авесто” асосида тарихий-филологик аспектда илмий иш қилишга киришади. Бу

сохага киришишига унга Қўлёмалар институти фондида кўрган нодир қўлёмалар туртки бўлган бўлса, Афғонистондан олиб келган тарихий китоблари ҳам илҳом берди.

Ҳозир Урганч Инновацион университети ректори. Бунга ўз-ўзидан осонликча эришгани йўқ! Ҳаёт қийинчиликларидан матонат билан ўтиш ёш журналист пайтидаёқ турмушнинг чиғириқларини теран мушоҳада қилишга ўргатди. Инсон кадр-қиммати ҳар нарсадан устунлигини англаб етди. Қайсики одам босиқ, камтар, ахлоқан гўзал фазилатлар эгаси бўлса, у илм қилишга, китобдан завқ олишга мойил бўлади. Бу эса ҳамма ёқтирадиган машғулот эмас. Бунга чидаганга чиқарган. Шу маънода ёшлигидан ҳаётнинг оғир-енгил, иссиқ-совуқ, хуррам ва аламли дамларини бошидан кечирган форс тили ўқтувчиси – ёш тадқиқотчи М.Эшмуродов 1999 йилгача Зардуштийлик дини ва унинг қомуси “Авесто”нинг таржималарини, рус ва чет эл олимларининг илмий монографияларини тўплаб, тинмай илмий изланишлар олиб борди.



У диссертациянинг хомаки режаларини қоралама қилиб кўйганини, энди бу ишни охирига етказиш шартлигини ўйлаб, бир куни менга “Султонбой оға, илмий режаларим бўйича Тошкентга бориб келмоқчиман, сиз ҳам мен билан бирга борсангиз”,-деб қолди. Мен ҳам ўн йил шаҳри азимга қатнаб, 40 ёшимда ҳимоя қилган эдим. Ҳар ҳолда илмнинг барча сўқмоқларидан ўтганимни айтиб, бирга Тошкентга боришимга кўндирди. Мен рози бўлдим.

Ва биз Тошкентга – ўзимизнинг қадрдон Тил ва адабиёт институтига бордик. Биз аввало, илмий котиб Раҳматулло Баракаевга учрашиб, мақсадимизни айтдик. Баракаев бизни институт директори Тўра Мирзаев олдиларига олиб кирди. Домла Мадамин билан гаплашиб, мақсадни билгач, жуда оригинал иш бўлишини, ҳали бу соҳа янги эканлигини, материаллар кўп-у диссертация ёзилмаганлигини завқ – шавқ билан гапириб, Мадаминга мавзунини тасдиқлаб қўйиш лозимлигини уқтирдилар. Сухбат орасида Мадаминнинг форс тилини билишидан, Азиз Қаюмовдек академик билан бирга ишлаганидан хабар

топдилар. Мадаминга жуда бир бошқача ихлос ва завк билан қараб: “Мен фан доктори бўлсам ҳам, Ҳоди Зариф Домланинг шогирди бўлсам ҳам, эски ёзувни ўқий олмайман, бизлар эскичадан “саводсиз” қолганмиз. Сиз ҳам эски ёзувни, ҳам форс ва араб тилларини билар экансиз, сиз албатта диссертация ҳимоя қилишингиз зарур ва, албатта, ҳимоя қила оласиз. Мен бунга аминман, - дедилар.”

Шундан сўнг биз тарих институтига бориб, Мирсодиқ Исҳоқовдек қадимий ёзувлар (оромей, суғдий, хоразмий ва авесто ёзувлари) билимдонига учрашдик. Домла ҳам муддаони англагач, севинганидан (чунки унга янги соҳада янги диссертация ҳимоя қиладиган шогирд ўз оёғи билан Хоразмдек жойдан келган эди.) Тўра Мирзаевичга телефон қилиб, мавзуни тасдиқлаб беришни илтимос қилди ва ўзи раҳбарликка рози бўлди. Диссертация мавзусини “Авесто”да табиат культлари талқини” деб номлашга икки катта домла келишиб олишди. Янги – қўл урилмаган соҳада ким биринчилардан бўлиб иш бошласа, унга осон бўлмайди. Чунки, янги сўқмоқ,



янги мавзу, янгича қараш ва ниҳоят янгича тадқиқот лозим.

Мадамин Эшмуродов форсча манбалардан қўлёзмалар институтида илмий ходим пайтидаёқ хабардор ва анча – мунча нарсаларни билар ҳам эди.

“Авесто”нинг таржимони Маҳкам билан ҳам таниш эди. Яна қўплаб форс – тожик тилида ёзилган ҳамда ўзбекча (туркий) манбалардан хабардор эди. Шундай қилиб тадқиқотчи М.Эшмуродов “Авесто” га бағишланган дастлабки мақолаларини эълон қила бошлади. Авестошуносликнинг республика ва ҳалқаро анжуманларида илмий маърузалари билан қатнашиб, анча – мунча шу соҳа одамлари билан танишиб, илмий алоқаларни йўлга қўйди.

Тинимсиз изланишлар 3-4 йил давом этди. Барча босқичлардан ўтгунча Тил ва адабиёт институтининг олим – домлалари Баҳром Бофоев, Иброҳим Хаққул, Маматкул Жўраев ва бошқа устозлар билан яқин бўлиб қолди. М.Жўраев мақолаларни кўриб, ўз маслаҳатларини берарди.

Айниқса, Баҳром Бафоев навоийшунос – тилшунос олим ҳам “афганец” экан. Мадамин Эшмуродов билан қуролдош бўлиб чиқдилар. Домла Мадамин Эшмуродовни, ўз қуролдошини сидқидилдан яхши кўриб, ўзида бор бўлган (“Авесто”га алоқадор) илмий китобларини бердилар.

Ҳимоянинг расмиятчилик борасида институт илмий котиби Раҳматулло Баракаевнинг қўмақлари, шунингдек, институт директори ўринбосари А.Ф. Мадвалиевларнинг маслаҳат ва йўл – йўриқлари самимий ва беғараз бўлди.

Ниҳоят 1999 йилнинг март ойида Мадамин Эшмуродов номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бугунги кунгача Мадамин Эшмуродовнинг 7 та монографияси, 3 та рисоласи, 100 га яқин илмий – мақолалари эълон қилинган, шулардан 20 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Ўзининг камтарлиги, мулоҳазакорлиги унинг университетда обрўли домлалардан бирига айланишга



сабаб бўлди. Вақтнинг ўтишини қарангки, яқиндагина янги ишга келган ёш йигит бугун 60 ёшга тўлибди.

Мен Урганч инновацион университети ректори, филология фанлари номзоди, доцент Мадамин Эшмуродовга янада илмий фаолиятлари давом этишини, бунинг учун эса сиҳат – саломат бўлишларини, узоқ умр кўришларини тилаб қоламан.

Камгапликнинг аломати донолик, дерлар,
Инсон умри бўлсин маънолик, дерлар,
Қани энди ҳамма домладек бўлса,
Бу ҳаётни гўзал-у зеболик, дерлар.

*Султон Мирзо,
филология фанлари номзоди, шоир.*

ЮКСАК ФАЗИЛАТЛИ ИНСОН

Мен Эшмуродов Мадамин Жумабоевич билан 1991 йилда Урганч Давлат Университети (собик Хоразм давлат Педагогика институти)да танишганман. Мен у пайтдаги институтнинг тарих факультетида эски ўзбек ёзувидан талабаларга сабоқ берардим. Мадамин Жумабоевич форс ва араб тиллари, афғон тили бўйича билимга эга инсон сифатида менда яхши таассурот қолдирган. Унга нисбатан менда хурмат ҳисси пайдо бўлишига унинг Гурлан тумани инсонларига хос дангал гапириши, ростгўйлиги ва бир сўзлилиги сабаб бўлди. Биз эски ўзбек ёзувининг сирасрорлари, қийин томонлари, нозик қочиримли усуллари, хаттотларнинг маҳоратлари тўғрисида кўп суҳбатлашганмиз. Мен ўша пайтдаги “Билим” жамиятида бошланғич маълумот олиб иш бошлаганим боис бу соҳани янада мукамал эгаллашимда Мадамин Жумабоевич билан ўтказган суҳбатларим катта ўрин тутганлигини алоҳида эътироф қилишим керак.



Мадамин Жумабоевич Афғонистондаги воқеаларда чиниққан, тобланган. Яна бир томони у менинг укам Баҳром Тиллаев билан биргаликда жанггоҳларда қатнашган. Уларнинг дўстлиги бизларни ўртамазда ҳам илиқлик пайдо бўлишига замин бўлган.

Эшмуродов Мадамин Жумабоевич форс, араб тиллари бўйича етук мутахассис. Вилоятимизнинг чекка ҳудуди бўлган Гурлан туманида таълим олиб, ўз билими ва салоҳияти билан Республикаимизнинг нуфузли олийгоҳига кириш бахтига мушарраф бўлган. Вилоятнинг отахон олийгоҳида оддий ўқитувчиликдан иш бошлаб, катта ўқитувчи, доцент, декан муовини, факультет декани лавозимларида самарали фаолият олиб борган.

Мадамин Жумабоевичнинг бошқаларга нисбатан фарқ қиладиган битта жиҳати бор. Бирон бир янги ишни бошламоқчи бўлса, кўрқмасдан таваккалига олға интилади. Ана шу одати туфайли бугунги кунда ўзи раҳбарлик қиладиган Урганч Инновацион университетини ташкил қилишга ҳам қийинчиликлардан кўрқмасдан бел боғлади. Ташкилий

ишлардан, муаммолардан чўчимади. Бир сафар ундан “Қийналмаяпсизми” деб сўраганимда, у “афғондаги жанглар олдида бу ҳеч нарса эмас” деб кулиб қўйди.

Ана шундай бир сўзли ва қатъиятли инсон 60 ёшга тўлиб, айна мукамал ақл ва билим жамланган ёшга етиб келди. Мен Мадамин Жумабоевични ушбу табаррук ёши билан самимий муборакбод қиламан. Унинг саъй-ҳаракати туфайли бугунги кунда ўнлаган ёшлар ва профессор-ўқитувчилар иш билан банд бўлиб, минглаган ёшлар талабалик бахтига мушарраф бўлдилар. Ушбу эзгу ишлари бардавом бўлсин!.

Энг асосийси, оилавий тўкинлик ва бахту-саодат асло тарк қилмасин!

*Баҳодир Тиллаев,
вилоят Мактабгача ва мактаб таълими
бошқармаси бўлим бошлиғи.*



ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Кадрли устозим Эшмуродов Мадамин Жумабоевичнинг кўплаб фазилатлари мен учун ҳамиша ибрат бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Унинг ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши, юклатилган вазифани катта масъулият ҳис қилган ҳолда бажариши, ёш ўқитувчилардан ўз ёрдамини аямаслиги нафақат мен, аминманки, барчамиз учун намунадир. Устоз ўзининг билими, изланувчанлиги, жонкуярлиги ва ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги фидойилиги билан касбдошлари орасида катта эътибор қозонган.

Мадамин Жумабоевич илмий-педагогик фаолият билан бирга илмий-тадқиқот лойиҳаларини, фан-техника ишланмаларини бажаришда ҳам фаолдир. Хусусан, 2018–2019 йилларда Хоразм Маъмун академиясида “Жалолиддин Мангуберди – буюк ватанпарвар саркарда” мавзусидаги давлат гранти лойиҳасида катта илмий ходим лавозимида иш олиб борди.

Устоз Урганч инновацион университети раҳбари, шунингдек университет “Инновация ва тараққиёт” илмий-методик журналининг бош муҳаррири ва ташкилотчиси сифатида жамоада илмий муҳитнинг қарор топишига замин яратди. Бугунги кунда мазкур журнал нафақат университет профессор-ўқитувчиларининг, балки барча тадқиқотчиларнинг ўзига хос илмий минбарига айланди. Шунингдек, Мадамин Жумабоевич ўзининг илмий-амалий тажрибаларини филология ва тарих фанларини ўқитишнинг долзарб масалаларига бағишланган кўплаб анжуманларда намоён этиб келмоқда. У ўз ишига масъулиятли, талабчан ва изланувчан раҳбар сифатида талабалар ва жамоа аъзолари орасида катта ҳурматга сазовор.

Устоз юксак тажрибали, маҳоратли раҳбар сифатида ўз жамоасига ниҳоятда меҳрибондир. У ҳар бир ходимга эътибор билан қараб, уларнинг ютуқларидан қувонади, жамоани юксак марралар сари интилишга илҳомлантиради.



Ҳозирда устоз “Хоразм туркий тарихнавислигида давлатчилик терминологияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасидадир. Мен бугун ўзининг кутлуғ 60 ёшини қарши олаётган Мадамин Жумабоевичга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, юксак илмий парвозлар тилайман. Биз, шогирдлар учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб келаётган устозимга узоқ йиллар эл ичра азиз бўлиб юриш насиб қилсин.

Қудрат Машарипов,
Урганч давлат университети
“Тарих” кафедраси доценти.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ...

Урганч Автомобиль ва йўллар техникумида директор бўлиб янги иш бошлаган пайтларим, яъни, 2021 йилнинг май ойлари эди. Бир куни одатдагидай эрталаб хонамда иш қоғозлари билан танишиб ўтирсам, ўзига хос ўктам овози билан ҳурматли устоз Мадамин Жумабоевич кириб келдилар. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Мадамин ака кўпдан нодавлат таълим муассасасини ташкил этиш орзусида юрганлигини ҳамда унинг фаолиятини айнан бизнинг техникум биносида йўлга қўйиш истагида эканликларини айтди. Ўзим таълим соҳасининг кишиси бўлганлигим учун ҳам устознинг бу фикрларини дарров қўллаб-қувватладим. Чунки, юртимизда олий таълим муассасалари қанчалик кўп бўлса, ёшларимизнинг мазкур таълим шаклига қамрови шунчалик кўп бўлади. Лекин, 1975 йилда ташкил этилган техникумимиз биноси бугунги замон талабларига жавоб беролармикан, деб ўйланиб қолдим. Устоз гўё хаёлимдан ўтган фикрни уққандай: “хавотир олманг, ука, биз таъмирлаш ишларини бажариб, бинони замонавий ҳолатга келтирамиз” деди. Сухбат ораси устоз



Ўзининг ёшлик йилларини эслаб, илм излаб пойтахтга кетганлигини, уйдан олисдаги талабаликнинг заҳматларини жуда яхши ҳис қилишини айтди. “Мен ёшлар билан кўп суҳбатда бўламан. Вилоятимизда қанчадан-қанча ёшлар илм олиш истагида эканликларига гувоҳман. Кўплаб ўғил-қизларимиз бир неча йиллаб ўқишга хужжат топшириб, квоталар чегараланганлиги, кириш баллари баланд бўлганлиги сабабли талаба бўлиш орзуси билан яшаётганликларини биламан. Шу боис уларнинг илм олишлари учун имконият яратишга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшишни истайман”, деганларида устознинг қарорлари қатъий эканлигини билдим. Мазкур масалани ортиқча муҳокама қилишга сира ўрин йўқ эди. “Устоз, Сиз шундай эзгу мақсад билан келган экансиз, биз, албатта, Сизга кўмакчи бўламиз” дедим.

Кўп ўтмай, университет учун ажратилган бино худудини ободонлаштириш, ўқув хоналарини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Кўз ўнгимизда ҳаммаси кундан-кунга янгича қиёфа касб эта бошлади. Таъмирлаш ишлари ниҳоясига етгач, хоналарни жиҳозлаш ишларига киришилди. Таълимнинг моддий-техник базасини шакллантириш чоралари қўрилди.

Кутубхонага янги ўқув адабиётлари келтирилди. Шунингдек, талабалар турар жойида, фаоллар залида ҳам таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Ҳар куни ишга келар эканман, устозни иш устида кўриб, ҳайрон қолардим. У ҳаммадан олдин келиб, бажарилган ишлар кўлами билан танишар, ходимларга тегишли топшириқларни берар эди. Ёз пайтлари ҳаво жуда иссик бўлишига қарамай, кун давомида худудни бир неча марта айланиб, ҳар бир ишга ўз муносабатини билдирар эди. Биз кўплаб масалаларда ҳамфикр бўлиб, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилдик. Айниқса, университетни очишга рухсат берувчи тегишли лицензияни олиш учун устоз Мадамин Жумабоев қандай қийинчиликларни енгиб ўтганликларига гувоҳман. Вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, устоз бир кун, бир дақиқа ҳам ортга қайтмади. Мадамин ака жасорати, журъати, матонати кучли инсон эканлигини кўриб, менинг хаёлимдан кўп бора донишманднинг “Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё...” деган сўзлари ўтди. Дарҳақиқат, Мадамин ака бу ҳаётдан ҳикмат излагани ва бошқаларга ҳам ҳикмат улашишни истагани учун барча машаққатларга бардош берди.



Бугун ўз фаолиятини муваффақият билан олиб бораётган Урганч инновацион университетининг аҳил жамоасини кўриб, уларга чин маънода ҳавас қиламан. Университетда ўтказилаётган турли тадбирлар, анжуманлар, кўрик-танловлар, мусобақалар чиндан ҳам ёшларимизнинг илм олишлари, маънавий юксакликка эришишлари йўлида муҳим маскан вазифасини ўтамоқда. Университетда ўқиш истагини билдирган юзлаган фарзандларимиз Мадамин аканинг нечоғлик савоб ишга қўл урганлигининг намойишидир. Ҳозирги вақтда техникумимизнинг яна бир қаватини ижара шартлари асосида олиб, янги ўқув йилига қадар уни ҳам таъмирлаш, жиҳозлаш ишларини охирига етказиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Айтиш жоизки, университетда ташкил этилган, Мадамин аканинг бош муҳаррирлигида нашр этилаётган “Инновация ва таракқиёт” журналида бизнинг техникумимиз ўқитувчиларининг ҳам мақолалари эълон қилинмоқда. Яна бир қувонарли жиҳати, битирувчиларимиз орасида Урганч инновацион университетида ўқиш истагини билдираётган ўқувчиларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Чунки

бугунги янгиланишлар, яратилаётган имкониятлар бевосита уларнинг кўз ўнгида намоён бўлмоқда.

Мен ўзим номимдан ҳамда техникум жамоаси номидан қадрли Мадамин Жумабоевични қутлуғ 60 ёшлик таваллуд айёми билан муборакбод этаман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, илмий ишларига юксак парвозлар тилайман. Юртимизда таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш йўлида олиб бора ётган хайрли ишларига доим омад ёр бўлсин!

*Азамат Раҳматуллаев,
Урганч Автомобиль ва йўллар техникуми
директори.*

ҚАТЪИЯТЛИ РАҲБАР, ФИДОЙИ УСТОЗ

Мен Мадамин Жумабоевич билан дастлаб танишганимдаёқ, у чуқур мулоҳазали, журъатли, мавжуд муаммоларга пухта ечим топа оладиган инсон сифатида менда ёрқин таассурот қолдирган. 2022 йилнинг бошларида бир куни мени техникумимиз директори Азамат Раҳматуллаев чақирди. Борсам, ёнларида меҳмон



бор экан. “Бу киши ҳурматли устозимиз, шарқшунос олим Мадамин ака Жумабоевич бўладилар. Улар бизнинг Автомобиль ва йўллар техникумимиз ҳудудида Урганч инновацион университетини ташкил этиш ниятида ташриф буюрибдилар. Худуд билан таништиринг, ўқув биноларини кўрсатинг”, деди. Хўп, дедим-у, рости, бу таклифнинг амалга ошишига ишонмадим. Чунки техникум бинолари анча эскирган, таъмирталаб эди. Лекин гапни чўзмасдан, “хўп бўлади, юринг” деб Мадамин акани ташқарига бошладим.

Йўлак бўйлаб юриб борар эканмиз, техникумимиз ҳақида, унинг умумий ер майдони, ўқув бинолари, қуввати каби масалалар ҳақида сўзлаб бордим. Гапириб туриб, секин Мадамин акага назар солдим. У киши атрофга ўйчан нигоҳ билан боқарди, худудга разм солиб, ўзини қизиқтирган бир-икки саволларни берди. “Қани, ўқув биносини бир кўрайлик-чи”, деганида мен, гапнинг очиғи, ўқув хоналарининг аҳволини кўриб, устоз фикридан қайтса керак, деб ўйладим. Негаки, коллежлар тугатилгач, кўплаб ўқув хоналаримиз ҳувиллаб қолган, жорий таъмирдан ҳам чиқарилмай турган эди. Лекин, аксинча, Мадамин ака узоқ ўйлаб ўтирмай, “менга

маъқул, тез орада таъмирлаш ишларини бошлаймиз” деди. Шунда мен бу инсоннинг журъати қатъий, шахди кучли эканини сездим. Қисқа фурсат ичида ҳақиқатдан ҳам бўш турган биномизда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Шу – шу мен Мадамин ака билан яқин бўлиб қолдим. Худуд билан боғлиқ барча масалаларда ҳамфикр бўлдик. Мадамин аканинг атрофида устознинг ўзидай шижоатли, меҳнаткаш, қатъиятли кишилар жам бўлиб, улар бир жамоа бўлиб ҳаракат қилдилар. Натижани эса бугун бутун халқимиз кўриб турибди.

Мен мана шундай фидойи инсон Мадамин Жумабоевични қутлуғ 60 йиллик таваллуд кунлари билан самимий қутлайман. Унинг юртимиз ёшларига таълим-тарбия бериш йўлидаги эзгу ишларида улкан зафарлар тилайман.

Сардор Матюсупов,
*Урганч Автомобиль ва йўллар техникуми
директорининг молия-иқтисод ишлари бўйича
ўринбосари*



ОРЗУЛАРНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Мадамин менинг мактабдош дўстим. У ўзбек, мен эса рус синфида ўқиганмиз. Мен ўша пайтлардаёқ унинг билимдонлигини, илмга қизиқишини билганман. Айнан шу жиҳати билан у бошқалардан ажралиб турарди.

1981 йилда ўрта мактабни битказиб, мен Ленинград давлат қишлоқ хўжалиги академиясига ўқишга кирдим. Мадамин эса ҳужжатларини Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига топшириб, имтиҳонлардан иккита 4 ва иккита 3 олиб, мандатдан ўтолмади.

Шу йили август ойининг охирларида мен уйга келдим. Дўстим билан кўришиб, ўқишга кирганимни, талабаликка қабул қилинганимни айтдим. У менинг муваффақиятимдан жуда хурсанд бўлди. Менинг яшаш манзилимни, қайси ётоқхонада туришимни сўради ва Ленинград давлат университетининг тайёрлов бўлимига бориш нияти борлиги ҳақида гапирди. Сентябрь ойининг охирида кечки соат 11

яримларда менга “ташқарида Ўзбекистондан дўстингиз келиб сизни кутяпти”, деб хабар беришди. Мен ким келган бўлиши мумкин, қайси дўстим экан деб ҳайрон бўлдим. Чиқиб қарасам, кўлида бир жомадон билан Мадамин турибди. Уни кўриб жуда қувондим. Мусофирчиликда юрганингда, айниқса, юртингдан кимнидир кўрсанг, қалбинг тўлқинланади. Дарров уни ётоқхонага жойлаштирдим. Кўлидаги жомадонда кийим-кечаклари бўлса керак десам, ичи тўла китоб экан. “Дўстим, шунча китобни нима қиласан, ўқишга кирганингдан кейин олиб келсанг ҳам бўларди-ку”, дедим. Шунда у ўзига хос қатъият билан: “мен бу ерга бир мақсад билан келдим, ўқишга киришим керак” деди. Билсам, у уйда деярли 1 йил тайёргарлик кўрибди. Ўзига ишончи бор эди унинг.

Хуллас, эртаси куни биз Ленинград давлат университетининг тайёрлов бўлимига бориб, мутасаддилар билан учрашдик. Афсуски, улар тайёрлов курсига кириш учун прописка бўлиши кераклигини ҳамда асосан Ленинграднинг ўзида ўқиб юрган йигит-қизларни қабул қилишларини айтишди.



Бизлар пропискани ҳал қилишга ҳаракат қилдик, лекин бу қийин масала эди. Уни тўғирлай олмадик. Дўстим 10 кунча ётоқхонада турди. Ленинградни томоша қилди. Эрмитажни кўриб келган куни ниҳоятда таъсирланиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Кейин эса уйга қайтиб кетди.

Уни кузатиб қўйган куним, юрагимда қандайдир бир бўшлиқни сездим. Илм олиш иштиёқида узоқ бир худуддан жомадон тўла китоб билан келган билимга ташна дўстимнинг орзуси амалга ошмаганидан қайғурдим. Унинг ўқишга шашти шунчалик баланд эдики, буни унинг шунча йўлдан китобларни кўтариб келганидан билиш қийин эмас эди. Тақдир экан, дўстим кейин Тошкент давлат университетининг Шарқшунослик факультетига ўқишга кирди. Буни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Дўстимнинг орзуси ушалгани мени ниҳоятда қувонтирди. У ўқишни тугатиб, 2 йил Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида илмий ходим бўлиб ишлади. 1991 йилдан 2022 йилгача Урганч давлат

университетида аввал ўқитувчи, катта ўқитувчи, сўнг эса доцент, декан муовини, факультет декани лавозимларида ишлади. Унинг илмга бўлган интилиши ўзининг самарасини берди. 2002 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирда докторлик диссертацияси устида илмий тадқиқот олиб бормоқда. Унинг 10 га яқин монографиялари, 100 дан зиёд илмий мақолалари эълон қилинган. Қувонарлиси, у ҳар янги китоби нашрдан чиққанида албатта менга туҳфа қилади. Мен шундай илмпарвар дўстим борлигидан фахрланаман.

Вақтнинг шиддат билан ўтишини қарангки, бир пайтлари қўлида бир жомадон китоб билан илм излаб йўлга чиққан дўстим бугун ўзининг 60 нчи баҳорини қаршиляпти.

Қадрли дўстим Мадамин! Қутлуғ ёшлар муборак, жўра! Сенга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, илмий ишларингга юксак парвозлар тилайман.

*Мактабдош дўстлар номидан
Ўрозбой Мадримов.*



ОЛИМ ВА ТАДБИРКОР ДЎСТИМ

Вақт ўтгани сайин ҳаётингда содиқ ва ишончли дўстинг бўлса, бу тақдирнинг чинакам тухфаси эканлигини ҳис қилар экансан киши. Яратган мени ҳам худди ана шундай дўст билан сийлади. У болалиқдан то бугунга қадар менинг ҳамроҳим, маслакғўйим Мадамин Эшмуродовдир.

Биз Мадамин билан мактабда 10 йил бирга ўқиганмиз. У синфимизда эпчил, чаққон, қатъиятли болалардан эди. Биз учинчи синфда эканлигимизда Мадамин тақдирнинг оғир синовига дуч келди. Унинг отаси сувга чўкиб, вафот этди. Ўша дамларда синф раҳбаримиз бошлиқ барча тенгдошлар унга бу мусибатни, оғир йўқотишни енгишида ҳамдард бўлганимиз, биз ҳам у билан тенг қайғуриб, йиғлаганимизни ҳамон эслайман. Ерга урса кўкка сапчийдиган Мадамин отасидан айрилганидан сўнг жуда оғир, босиқ, ўйчан бўлиб қолди. Бу йўқотиш унинг кўзларига жуда оғир мунг солиб кетди... 10

нафар фарзанд билан бева қолган онасининг матонати эса ҳар қанча эҳтиромга лойиқдир.

Мадамин ўзининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги, ўқишга, китобга бўлган муҳаббати боис ҳаммамиздан ажралиб турарди. У яна бир синфдошим - Холмуродов Баҳром билан 10 йил бирга 1-партада ўтириб, ўқишда бир-биридан ўзишга ҳаракат қилишарди. Мадамин 7-синф пайтимиздаёқ “Пахтакор овози”, “Хоразм ҳақиқати” газеталарида мақолаларини эълон қила бошлади. У илмга бўлган иштиёқи кучлилигидан ҳамма фанлардан фаол эди. Ушбу меҳнатининг самараси ўлароқ мактабни кумуш медаль билан битказди. Синфимиздан ўша йили уч нафар тенгдошимиз олий ўқув юртига ўқишга киришга муваффақ бўлишди, холос. Бизлар улар билан жуда фахрланардик. Мадамин ўша пайтда ҳам энг нуфузли таълим даргоҳларидан бўлган Тошкент Шарқшунослик институтининг талабаси бўлди. Унча-мунча оддий одамларнинг фарзандлари учун етишиб бўлмас орзу ҳисобланган, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик муҳим роль ўйнаган ўша даврда ўтиш



бали энг юқори бўлган бундай олий таълим даргоҳига киришнинг ўзи жуда катта муваффақият эди. Мадаминнинг билими, ўткир зеҳни, ўзига нисбатан талабчанлиги унинг бу муваффақиятига замин бўлди. Ёзги таътил пайтлари қишлоғимизга бир олам таассуротлар билан келарди. У Тошкентдаги жуда катта олимлар ҳақида бизга тўлқинланиб гапириб берарди. Ҳа, Мадаминга омад кулиб боқди. Ўқишни тугатгач, икки йил Тошкентда, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида ишлади. Илмий изланишлар олиб борди. Кейинчалик, оилавий вазият тақозоси билан Хоразмга қайтиб, Урганч давлат университетида фаолиятини давом эттирди.

Тинимсиз изланишлари, машаққатли меҳнатлари рўёбга чиқиб, 2002 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Биз унинг ҳар бир ютуғидан ниҳоятда қувонардик. Бир сўзли, қатъиятли Мадамин дўстим бир ишни бошласа, албатта уни охирига етказмагунча тинчимаydi. Ҳузур-ҳаловатдан, оромдан кечиb, қўлёзма манбалар билан ишлашга ҳамманинг ҳам тоқати етмайди. Лекин дўстим буни

жуда яхши уддалади, қатор китоблари дунё юзини кўрди. Назаримда, у гўё ҳар бир ютуғи билан отасининг руҳини шод қилаётганини ҳис қиларди ва бу йўлда ўзининг устида тинимсиз ишларди.

Дўстимнинг яна бир ҳавас қилгулик жиҳати бор. У ниҳоятда оилапарвардир. Шу боис, ўзини тадбиркорлик соҳасида ҳам муваффақиятли намоён этди. Биламизки, тадбиркорлик таваккалчиликни ҳам талаб этади. Мадаминда бу хусусият ҳам мавжуд. У ўзининг илмий-педагогик фаолияти билан бирга, 2005 йилда пахтачилик ва шолчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига асос солди. Бу ҳақда дастлаб ўз режаларини мен билан ўртоқлашганида, тўғриси менда бироз иккиланиш бўлди. Чунки, қишлоқ одами эмасманми, бу соҳанинг ўзига хос қийинчиликлари борлигидан хабардор эдим. Лекин Мадамин шижоат билан бу ишга қўл урди. Ҳалол меҳнат билан оиласининг фаровонлиги учун астойдил ишга киришди. Қўшимча ишчиларни жалб этиб, уларнинг ҳам оилалари тўкинлигига сабаб бўлди. Биз 2018 йилгача биргаликда бу фермер хўжалигини



бошқардик. Режани бажармаган пайтимиз умуман бўлмади, ортиқча даромаддан хайр-саховат ишларини ҳам қилиш имконимиз пайдо бўлганидан қувонардик.

2022 йилда Мадамин билан кўришганимда, у Урганчда янги хусусий институт очиш ниятида эканлигини айтди. Бунинг сабабини сўрасам, бугун жуда кўплаб ёшларимиз илм олишга иштиёқманд эканлигини, бу йўлда ўзининг ҳиссасини кўшишни хоҳлашини айтди. Тез орада институт биносини таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Бир гал дўстимдан хабар олай деб борсам, ўзи ҳам усталарнинг ичида юриб, таълим жараёнини самарали ташкил этиш бўйича бажариладиган ишларнинг ҳар бир жиҳатини назорат қилиб турганини кўриб, унинг сабр-тоқатига қойил қолдим. Бугун дўстим билан қайси даврада ўтирмайлик, албатта 10-15 киши дарров келиб, у билан “устоз” деб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашади. Шундай пайтларда дўстим билан чин юракдан фахрланиб кетаман.

Менинг кўп йиллик қадрдоним, олим ва тадбиркор дўстим Мадамин Эшмуродов бугун ўзининг

қутлуғ 60 ёшини қаршиламоқда. Мен дўстимга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, илмий ишларига юксак парвозлар тилайман. Дўстим, узок йиллар меҳнатларинг самарасини кўриб яшаш насиб қилсин!

*Синфдош дўстлар номидан
Оллобоев Шомурод.*

МУНДАРИЖА

Вилоят ҳокими Ж.Р.Рахимов табриги.....	3
Вазир К. Шарипов табриги.....	4
Урганч инновацион университети асосчиси. С.К. Салаев.....	5
Маънавият, илм-фан, таълим-тарбиянинг тарғиботчиси. Р.Ю.Худойбергенов.....	9
УрДУ ректори Б.И. Абдуллаев табриги.....	18
Чин инсон, фидойи раҳбар. Х.С.Бектемиров.....	19
И.Ф. Китурко табриги.....	22
Ю.П. Голубев табриги.....	23
С.Н.Бочаров табриги.....	24
Руслан Кочкаров табриги.....	25
Дили пок инсон.Х.Бобожонов.....	26
“Авесто”нинг илк тадқиқотчиси. М. Исҳоқов.....	30
Бокуда эътироф этилган монография. Алмаз Улвий Биннатова.....	34
Олим Мадамин Эшмуродов -60 ёшда. М.Абдулхайр...	39
Соҳибмақом устоз, олим ва раҳбар. А. Ўрозбоев.....	44
Касбдошимга тилақларим. А. Арал.....	51
Чиғириклардан ўтган, тобланган дўстим. Ш.А. Шазаманов.....	54
Ноёб мутахассис. Д.Ғайипов.....	58
Шарқшуносликдан ректорликкача. У. Бекмуҳаммад...	61
Эътирофга лойиқ умр. М. Машарипов.....	66
Диёнатли устоз, мукамал илм соҳиби. Б.Сатимов.....	72
Илмда ва амалда ўрнак устоз. С. Сариев.....	75
Манбалар қатидан дур топган инсон. Н.Матякубов.....	80

Шукронага йўғрилган умр. С.Самандарова.....	84
Устозга эҳтиром. Ч.Сабилова.....	88
Устоз отангдек улуғ зот. У. Маҳмудов.....	91
Ўзбек авестошунослигида биринчи диссертант. С.Мирзо.....	97
Юксак фазилатли инсон. Б. Тиллаев.....	107
Ибратли ҳаёт йўли. Қ. Машарипов.....	110
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё. А.Раҳматуллаев...	113
Қатъиятли раҳбар, фидойи устоз. С.Матюсупов.....	117
Орзуларнинг ойдин йўли.Ў. Мадримов.....	120
Олим ва тadbиркор дўстим. Ш. Оллобоев.....	124

Бадиий-публицистик нашр
МАДАМИН ЭШМУРОДОВ

ШУКРОНАГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Муҳаррир:

*С. Самандарова,
Урганч инновацион университети доценти,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоира.*

Техник муҳаррир:

Ш. Қаландарова

Муқова дизайнери:

А. Бобожонов



Нашриёт
ТАСДИҚНОМА
рақами:
№152441

Босишга 2024 йилнинг 18 майида рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/16. « Times New Roman» гарнитурасида.
Ҳажми – 8 босма табоқ. Адади - 100 дона.
Буюртма № 23. Баҳоси келишилган нарҳда.

Огаҳий нашриётида тайёрланди.
Манзил: Урганч шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси. 23-уй
“Шамс нашр” оилавий матбаа корхонасида чоп этилди.
Манзил: Янгиариқ т.н, “Гулшан диёр” кўча, 56-уй.